O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ва ҚОНУН

2001 йил 12 ИЮН, сешанба
№ 24 (228)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ — 1996 йилнинг январидан нашр этилади

ЭЛИНИ РОЗИ ҚИЛГАН БАРАКА ТОПАДИ

Яқиндагина Минскда МДҲ, кейин эса Ялтада ГУУАМ давлатлари раҳбарлари саммитларида иштирок этиб, мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид талай халқаро масалаларни ҳал этиб қайтган Президент Ислом Каримов 9 июн куни Қашқадарё вилоятига сафар қилди.

Мазкур сафардан кузатилган мақсадни Президентимизнинг ўзи шундай таърифлади: аввало, қишлоқ хўжалик юмушлари ўта қизғин паллага кирган бугунги кунда меҳнаткашлардан ҳол-аҳвол сўраш, ғалла ўрим-йиғими ва ғўза парваришига оид ишлар билан жойида танишиш, одамларнинг кайфиятидан бевосита бохабар бўлиш.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Қамаши туманидаги «Чем» жамоа-ширкат хўжалигида бўлди. Бу ерда у ижарачи Абдимурод Бозоровнинг буғдойзорида деҳқонлар билан суҳбат қурди. Суҳбатда А.Бозоров ўтган йили ўз даласига «Улуғбек-600» навини экканини, лекин бу нав Қамашининг шароитига унчалик мос келмаганини айтди.

Шунинг учун бу йил «Уманка» нави уруғлик учун экилиб, синаб кўрилмоқда. Натижа ёмон эмас. Сув танқислигига қарамай, омилкорлик билан қилинган меҳнат ўз самарасини бермоқда - ҳар гектар майдондан 52 центнергача ҳосил олиняпти.

Юртбошимиз суҳбат чоғида эътиборни сарфланаётган харажатларни камайтириб, фойда миқдорини ошириш масалаларига қаратди. Бугунги деҳқон фақат меҳнат қилишни эмас, қайси йўл билан кўпроқ фойда олиш мумкинлигини ҳам билиши энг муҳим ва долзарб масалалардан биридир, деди Президент. Бундай пухта ҳисоб-китобни йўлга қўймай туриб, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни жадаллаштириш қийин.

Икки йилдан буён давом этаётган сув танқислиги халқимиз учун ўзига хос синов бўлди, деди Юртбошимиз. Ана шундай мураккаб шароитда қашқадарёликларнинг ғалла тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини бажариши халқимизнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлашда улкан ҳисса бўлардиди. Айни чоғда, раҳбарлар вилоятда ишни янгича ташкил этиш масаласини янада жиддийроқ ўйлаб кўриши керак. Мисол учун, деди Юртбошимиз, Андижон вилояти деҳқонлари ҳисоб-китобни аввалдан пухта қилади, яъники, камроқ харажат чекиб, кўпроқ фойда олиш режасини тузади ва шунга эришади ҳам.

Меҳнатинг самара бераётганини кўриш киши руҳини кўтаради, янгиликларни жорий қилишга илҳомлантиради. Руҳ баланд бўлса, ҳар қандай тоғни талқон қилиш мумкин, аксинча эса барча режалар ўлда-жўлда қолиб кетади.

Юртбошимиз деҳқонларнинг руҳини кўтаришда иқтисодий манфаатдорликнинг ўрни алоҳида экани таъкидлади. Бунинг учун давлатга топширилган ҳосил учун кечиктирмай ҳақ тўлаш зарур.

Бугун бир сўмни тежайман, деб эртага миллионлардан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас. Қаердаки моддий манфаатдорлик эътиборда бўлса, ўша ердаги ишда самара ва сифат ҳам баланд бўлади.

Деҳқонлар билан суҳбат давомида Юртбошимиз Қашқадарё заминига мос ғалла уруғчилигини йўлга қўйиш муҳимлигига эътиборни қаратди. Қачонгача ҳар йили янги навни синаб кўриш мумкин, деб масалани кўндаланг қўйди Президент. Нега вилоятда ҳалигача истиқболли навлар захираси яратилиб, кенг миқёсда экиш ташкил этилмаган? Уруғнинг тўғри танлангани, агротехниканинг пухта ишлаб чиқилгани туфайли Андижонда гектарига 80 центнергача ҳосил олинаётгани бор гап-ку! Ҳолбуки, Қашқадарёдаги айрим суғориладиган майдонлардан олинган ҳосил ҳам, кўпинча, 30 центнердан ошмаяпти. Бу ҳол қачонгача давом этади?

Президент бу муаммони тезроқ ҳал этиш борасида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига зарур топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Қамаши туманидаги «Чем», Яккабоғ туманидаги Жуман Михлиев жамоа-ширкат хўжаликларидаги пахта далаларида ҳам бўлди. Қийғос гуллаб, кўсак туга бошлаган ғўзаларни кўздан кечирди.

Бугун пахтадан фақат юқори ҳосил олиш омилкорликка кирмайди, деди Юртбошимиз. Бу борадаги сарф-харажатларга, толанинг жаҳон бозоридаги харидоргирлигига ҳам эътибор қилиш зарур.

Президентимиз яқинда сувдан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишлаб республика семинари ўтказилган хўжаликда сув ўлчагич мосламаларни кўздан кечирди. Бу тажрибани бутун мамлакат бўйича ёйиш зарурлигини айтди. Лекин, деди Юртбошимиз, масаланинг яна бир жиҳатини ўйлаб кўриш керак. Ҳозир Қамашида тақчиллик туфайли сув деҳқонларга маъмурий йўл билан ўлчаб берилмоқда. Аммо шундай қилиш кераккки, токи, деҳқон сувдан тежаб-тергаб фойдаланса, бундан ўзига иқтисодий наф етишини тушуниб олсин.

Шунга ҳаракат қилсин. Айни чоғда, сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга имкон берадиган янги технологияларни жорий этишни тезлаштириш, бунда хориж тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш лозим.

(Давоми 2-бетда)

Ялта шаҳрида (Украина) Озарбойжон Республикаси, Грузия, Молдова Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва Украина Президентларининг (ГУУАМ) учрашуви бўлиб ўтди. Саммитда ГУУАМни ривожлантиришнинг истиқболлари билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди. ГУУАМ хартияси имзоланди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Россиянинг "Лукойл" нефт компанияси раҳбари Вагит Алекперовни қабул қилди.

***

Жарқўрғон тумани ғаллакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб давлатга ғалла сотиш бўйича шартнома режани бажаришди. Давлат омборларига 21 минг 592 тонна юқори сифатли дон топширилди. Шу муносабат билан туман деҳқонларига мамлакат Президенти табрик йўллади.

***

Шимолий Ирландиянинг Белфаст шаҳрида ўтаётган бокс бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз Руслан Чагаев олтин, Ўткирбек Ҳайдаров кумуш, Шерзод Хусанов бронза медалларини қўлга киритишди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Осиё тараққиёти банки президенти Тадао Чинони қабул қилди.

***

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Республика Олий Мажлиси қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасида тадбирлар дастури тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи томонидан ташкил қилинган "Демократик жараёнлар ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари" мавзуида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

***

Нью-Йоркда Ўзбекистон Республикаси ва Коста-Рика Республикаси ўртасида дипломатия муносабатларни ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма коммюникени имзолаш маросими бўлиб ўтди. Битимни Ўзбекистон ва Коста-Риканинг БМТ ҳузуридаги доимий вакиллари имзолашди.

***

Республикамиздаги бир қанча вазирлик, уюшма ва компаниялар ҳамда ОАВ ҳамкорлигида "Йўл қоидаси — умр фойдаси" шиори остида вилоятлар бўйлаб йўлга чиққан "Автокарвон" сафари ниҳоясига етди.

***

Самарқандда "Кино ойлиги"нинг очилиш маросими бўлди. Унда мустақиллик йилларида яратилган миллий фильмлар ҳақида сўз юритилди. Бир ой давом этадиган тадбирда 20 дан ортиқ миллий кинофильмлар мухлислар эътиборига ҳавола этилади.

***

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти 600 минг сўм маблағни мамлакатимиздаги кўп болали ва кам таъминланган оилалар, касалхона ҳамда тиббиёт коллежларига инъом этди.

***

Республика мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган Мукаррама Турғунбоева номидаги рақкосалар кўрик-танловининг республика босқичи якунланди.

***

Автомобил транспорти соҳасида монополиядан чиқариш ва бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

Сайлов жараёни

ВАТАН МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Айни кунларда мамлакатимизда ҳар биримизнинг ҳаётимизга дахлдор муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ҳамда **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги Қонуннинг 20-моддасида белгиланганидек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати тугаши муносабати билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтмоқда.

Хўш, бу галги сайлов жараёни қандай кечаётир, унинг илгариги сайловлардан фарқли жиҳатлари борми? Биз шундай саволлар билан «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг раиси, Олий Мажлис депутати Шуҳрат ЖАЛИЛОВга мурожаат қилдик.

- Мустақилликнинг дастлабки кунларидан маҳалланинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор бериб келинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки халқимиз қадимдан жамоа бўлиб яшаб келган. Бу туйғу одамлар табиатидан чуқур ўрин олган. Маҳалла одамларни бир-бирига боғлаб туради. Истиқлол йилларида халқимизнинг ташаббуси ва ижодкорлиги билан барпо этилган маҳалла фуқаролар йиғинлари эса бошқаришнинг жаҳон амалиётида ўхшаши йўқ бўлган ноёб миллий шакли сифатида бениҳоя қимматлидир. Президентимиз Ислом Каримовнинг **«Одамларнинг сиёсий онги, маданияти, фаоллиги юксалиб борган сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур»** деган сўзлари бу борадаги амалий саъй-ҳаракатларимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Барча ишларимиз илк марта 1993 йилда қабул қилинган, 1999 йил эса Олий Мажлис томонидан янада такомиллаштирилиб, янги таҳрирда қабул қилинган **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»**ги Қонун асосида ташкил қилинмоқда. Шу йилнинг май ойидан бошлаб фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари муддати тугаётганлиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинларининг раислари, улар маслаҳатчилари ва масъул котибларини сайлаш қизғин давом этмоқда. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда юз бераётган бундай янгиланиш жараёни одамларни чуқур фикрлашга, ўз ўзини қайта англашга ундаётгани билан ҳам муҳимдир.

Шу кунгача олти мингта яқин маҳалла оқсоқоллари эл синовидан ўтиб, сайланиш бахтига муяссар бўлдилар. Аммо бу - ишлар силлиққина, ёппасига сайлаб қўя қолиш билан бўлаяпти дегани эмас. Деярли ҳар бир маҳаллада илгари фаолият кўрсатиб келган оқсоқолнинг ҳисоботи тингланиб, қизғин муҳокама қилинмоқда. Ўз навбатида янги номзодларнинг ҳам дастурлари сайловчилар томонидан тингланиб, баҳс ва мунозаралар кескин тус олмоқда. Яқинда пойҳахтимиздаги Мирзо Ғолиб маҳалласида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида фуқароларнинг фаоллиги айниқса, яққол сезилди. Бу сайловдан ҳеч ким четда қолмади. Ёшу кекса, эркагу аёл барча ўз фикрини айтишга, муносабатини билдиришга шай турганлигининг гувоҳи бўлдим. Сўзга чиққанлар аввало, Ватан манфаатидан келиб чиқиб, маҳалла ва шу маҳаллада яшаётган ҳар бир инсоннинг, айниқса, ёшларнинг қувончи, дарди, ташвишидан гапирдилар. Кимнингдир боласи номаъқул иш билан шуғулланиб юрган бўлса, уни огоҳлантирдилар. Маҳалла шаънига доғ туширишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги, бундайлар билан қатъий курашажаклари хусусида куюнчаклик билан сўз юритдилар. Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Ўзгариш» қишлоқ фуқаролар йиғини сайловида эса оқсоқолнинг ўринбосари албатта хотин-қизлар кенгаши раиси бўлиши шарт, деган ташаббус кўтарилди.

Оқсоқол илгари «Маҳалла қўмитаси раиси», «Маҳалла комиссияси раиси» деб атаб келинган. Бугунги кунда эса «Маҳалла фуқаролар йиғини раиси» дея атаб келаяпмиз. Яширишнинг ҳожати йўқ, шу кунга қадар бу вазифага кўпроқ пенсионер, бироз саводли, сўзга чечан, кўпчилик яхши танийдиган одамни гоҳ тайинлаб, гоҳ сайлаб келдик. Сайлов жараёнида маълум бўлдики, эндиликда бундай меъёрлар маҳалла оқсоқолига камлик қилаётир. Бугунги кун оқсоқоли маълум даражада тадбиркор ҳам, ўз маҳалласини обод қилишга иштиёқи баланд ҳам бўлиши лозим. Шунингдек, оқсоқолликни мансаб деб тушунадиганлар хато қилишади. Чунки бугун ҳаётнинг ўзи оқсоқолларнинг зиммасига катта масъулият юкламоқда. Аввало, оқсоқол кўпнинг манфаатини ўз манфатидан устун қўядиган, ғайрат-шижоатли, кўпчиликнинг бошини бириктирадиган, бир сўз билан айтганда, юраги ёниб турадиган одам бўлиши керак.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу жамоат ишининг масъулиятини янада ошириш мақсадида оқсоқол ва котибларга давлат бюджетидан маош ажратиш йўлга қўйилди. Буни маҳаллага кўрсатилган яна бир эътибор сифатида тушуниш керак. Шундай экан, бугун катта ишонч билан сайланаётган оқсоқоллар бундай эътибор ва ғамхўрликка ўзларининг садоқатли меҳнатлари билан жавоб берадилар, халқ ишончини оқлайдилар, дея умид қиламиз.

Салима ҚИЛИЧЕВА
ёзиб олди

Қонун ҳамма учун баробар

ИНСОН ОМИЛИ — ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ДАСТАГИ

Иккинчи мақола

«Агар дилингда эзгуликка унча-мунча иштиёқ бўлмаса, ҳеч қачон яхши ҳаёт қура олмайсан», деган экан бир донишманд. Бу мулоҳаза назаримизда давлат ҳокимияти идораларида хизмат қилаётган кишиларга қарата айтилган даъватдек. Чунки бизда давлат ислоҳотларнинг бевосита ташаббускори ва ташкилотчисидир. Давлат ҳокимияти органларида ишлаётган кишиларнинг зиммасига янада залворли вазифалар юклатилган бўлиб, улардан жойлардаги ташаббусларни ўз вақтида илғаб, қўллаб-қувватлаш, бир сўз билан айтганда, тадбиркорларнинг бунёдкорлик салоҳиятини эзгу мақсадлар сари сафарбар этиш масъулияти талаб этилмоқда. Андижон вилояти тажрибасини ўрганиш бу жараённинг жойларда қанчалик мураккаб кечаётганлигидан, янгича иқтисодий муносабатлар қай даражада шаклланаётганлигидан дарак беради.

Вилоятдаги туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари (ДСИ) томонидан тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш ва уларга индектификация рақами беришда белгиланган тартибда назарда тутилмаган ҳужжатлар ноқонуний равишда талаб қилинган. Масалан, Қўрғонтепа тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан якка тартибдаги тадбиркор К.Абдураҳмоновдан солиқ идорасида ҳисобда туриш учун фуқаролик паспортининг нусхаси, И.Умаровдан фуқаролик паспорти нусхаси билан бирга яшаш жойидан маълумотнома, «Нурали ота» фермер хўжалиги раҳбаридан эса оила аъзолари ва унинг яшаш жойи ҳақидаги қишлоқ фуқаролар йиғинининг маълумотномаси керак бўлмаса-да, талаб қилинган. Балиқчи туман ДСИ томонидан «Зойирбек» фирмасига индентификация рақами беришда фирма ходимларининг рўйхати, таъсисчилар умумий йиғилишининг баённомаси қонунга зид тарзда сўралган. Худди шундай ҳолатлар «Камолиддин ота», «Нодирабегим», «Аҳмадали» фирмаларига нисбатан ҳам такрорланган. Тадбиркорлардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ҳолатлари Андижон шаҳри, Олтинкўл, Улуғнор туман ДСИлари фаолиятида ҳам учрайди.

Вилоятдаги баъзи шаҳар ва туман ДСИлари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларини солиққа тортишда қонунчиликда белгиланган имтиёзларни қўлламаслик ҳолатлари ҳам қайд этилган. Жумладан, Олтинкўл туманида яшовчи тадбиркор А.Бозоров 2000 йил давомида ҳар ойда 3500 сўмдан қатъий солиқ тўлаб келган.

Қўрғонтепа туманида яшовчи тадбиркор Б.Ризаев жалолқудуқлик И.Иминов, балиқчилик Ф.Тожибоевларга нисбатан ҳам юқоридаги каби қатъий солиқ тўлаш талаби қўйилган. Андижон шаҳрида сартарошлик фаолияти билан шуғулланувчи 21 нафар, миллий таомлар сотувчи 91 нафар тадбиркордан, Жалолқудуқ туманида 10 нафар сартарош ва 15 нафар миллий таомлар сотувчи, биллярд ўйини ташкил этувчи, якка тартибдаги тадбиркорлардан ундириладиган солиқ миқдори кескин ошириб юборилган. Юқоридаги ҳолатларда Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасига асосан белгиланган солиқ имтиёзлари инобатга олинмаган.

Айрим туманларда тадбиркорлардан (солиқ миқдори қатъий белгиланган бўлишига қарамасдан) ўзбошимчалик билан ҳар хил миқдорда солиқ ундирилаяпти. Масалан, Балиқчи туманида якка тартибдаги тадбиркор Х.Тошжоновдан шу йилнинг март ойида 2573 сўм, апрел ойида эса 15 минг 435 сўм миқдорида солиқ ундирилган.

Солиқ идоралари фаолиятини ўрганиш жараёнида айрим ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 декабрдаги 500-қарори турлича талқин қилинаётганлиги аён бўлди. Жумладан, вилоят солиқ бошқармаси томонидан юқоридаги қарор рўкач қилиниб, 2001 йилнинг 21 январида солиқ инспекциялари зиммасига миллий таомлар пишириб сотиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлардан солиқ ундиришни тартибга солиш юзасидан мониторинг ўтказиш юклатилган. Хатда кўрсатилишича, қатъий солиқ тўловчи якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти юзасидан бир ойда тўрт марта мониторинг ўтказиш ва аниқланган ўриндиқлар сонини тўртга бўлиш билан ўртача ўриндиқлар сони чиқарилиб, кейинги ойда шунга асосан солиқ ҳисоблаш кўрсатилган. Бу билан солиқ инспекцияси ходимига кимдан қанча солиқ ундиришни ўз хоҳишига кўра белгилашига расман шароит яратиб берилган.

Баъзи давлат солиқ инспекциялари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг талабларига зид равишда процессуал хатоларга йўл қўйилган. Чунончи, Қўрғонтепа ДСИ томонидан (18.08.2000 йилда) «Дардоқ» савдо акциядорлик жамиятига қарашли 14-дўконда текширув ўтказилган. Текшириш натижасига кўра дўкон мудири М.Аҳмедовга 12250 сўм жарима тўлаш белгиланган. Ушбу ҳолатда Маъмурий жавобгарлик кодексининг 279-моддаси талаби бузилгани ҳолда текшириш давомида аниқланган ҳуқуқбузарлик юзасидан тегишли баённома тузилмаган.

(Давоми 2-бетда)

СУД ҲИСОБОТЛАРИ:
У қандай бўлади?

Адлия вазирлигида Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ўтказилган семинар ана шу мавзуга бағишланди.

Уни Адлия вазирлиги ҳузуридаги Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти директорининг ўринбосари Анвар УСМОНОВ олиб борди.

Департемент ҳудудий бўлимларининг суд амалиёти ва суд статистикасини тизимли таҳлил қилиш бўйича инспекторлари ва девонхона мудирлари иштирок этган мазкур семинарда суд ҳисоботларининг янги шакллари ва уларни юритиш масалалари муҳокама қилинди.

—Жиноят процессуал кодекси ва Фуқаролик кодексига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилиши зарурати суд амалиёти ҳужжатларига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо қилди, - деди А.Усмонов уни очар экан.

Шундан сўнг Департаментнинг суд амалиётини ва суд статистикасини тизимли таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Отабек Исмоиловнинг мавзу юзасидан маърузаси эшитилди. Маърузачининг таъкидлашича, суд амалиёти ҳужжатларнии юритишга катта талаб қўймоқда, хусусан, ҳисобот тайёрлашдаги аҳвол, очиғини айтганда, кишини қониқтирмайди. Туман (шаҳар) ва вилоятлардан юборилаётган ҳисоботларни тўлақонли таҳлилий ҳужжат деб айтиш қийин. Улар, асосан, рақамларни шунчаки қайд этиш билан чегараланиб қолган. Ҳолбуки, ҳақиқий ҳисоботларда муайян даврда у ёки бу соҳа юзасидан бажарилган ишлар ҳолати чуқур таҳлил қилинмоғи керак. Ҳисобот тайёрлашнинг янги шакллари бундай имкониятни юзага келтиради. Уларни тайёрлашда дунё мамлакатлари суд амалиётида қўлланилган ҳисобот шакллари пухта ўрганиб чиқилди. Ҳар бир шаклнинг ўзига хос жиҳати бўлиб, уларнинг жамланмаси ишлар ҳолатини теран таҳлил қилиш имконини беради. Масалан, жиноятчилик ишлари бўйича тузилган шакллар ёрдамида айбланувчига нисбатан қўлланган жазо чораларини аниқ-равшан таҳлил этиш мумкин. Шакллар (форма) асосида ҳисобот тайёрлашнинг муддатлари аниқ кўрсатилган.

Мазкур бўлимнинг бош инспектори Матлуба Абдураҳмонованинг судланган шахсларга ҳисоб варақаларини тўлдириш масалаларига бағишланган қўшимча маърузаси ҳам қизғин баҳс-мунозарага сабаб бўлди.

– Асосий камчилик шундаки, деб таъкидлади у, - судланган кишилар тўғрисида тўлдириладиган ҳисобот варақаларида маълумот тўлиқ бўлмайди. Шу сабабли унинг ҳар бир банди юзасидан тўлдирилган матнга аниқлик киритиш ёки тўлдириш зарурати туғилади. Масалан, унда айбнинг мазмуни тўлиқ ёзилмайди: "Ўғирлик" деб қайд этилади ёки бошқа бир бандига "Тан жароҳати етказган" деб тўлдирилади. Ҳолбуки, суд варақаларида судланувчи ҳақидаги маълумотлар тўлақонли ва аниқ ифодаланиши керак.

Семинар давомида Жиззах ва Навоий вилоятларида суд ҳисоботларини юритиш борасидаги ишлар ҳолати ҳам муҳокама этилди.

Семинар иштирокчилари томонидан етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ижро варақасини тўлдириш анча баҳсларга сабаб бўлди. **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилгани боис мазкур соҳа бўйича қабул қилинадиган янги қонун талабларидан келиб чиқиб ва шу масала юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, келгуси семинарда уларни муҳокама қилишга келишиб олинди.

Воҳид ДАВРОНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси.

Адлия тизими

Андижон

Вилоят адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг май-июн ойларида Бўз, Асака ва Шаҳрихон туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда ушбу туманларда "Хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ўтказиш ва "Текширувларни рўйхатга олиш китоби"ни юритиш тартиблари" мавзусида семинар-машғулотлари ўтказилди.

Конституция ва биз

ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ

Олтинчи сабоқ

Ҳаётни тутиб турадиган устунлардан бири бу адолат мезонидир. Чунки одам одамдек яшаши, эркин меҳнат қилиши учун аввало ҳаётда адолат тамойиллари барқарор бўлиши зарур. Бу тамойил бузилган жойда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларига путур етади.

Халқимиз куни кеча бошидан кечирган мустабид тузум даврини бир эсланг.

Ўттизинчи йиллардаги қатағон, ундан кейин «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган бўҳтон айблар минглаб бегуноҳ кишиларнинг ҳибсга олиниши, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқларга мустаҳиқ этилиши аввало, халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати топталганини билдиради.

Фақат истиқлолнинг эркинлик сиёсати туфайли бундай адолатсизликлар батамом барҳам топди.

Бугун тарихий адолат қарор топиб бораётган жамиятимизда ҳар бир фуқаронинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги олий қадрият саналиб, у энг аввало, Бош Қомусимизда кафолатланган.

Бугунги сабоғимиз Конституциямизнинг 25-моддасида ўзининг теран ифодасини топган фуқароларнинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ҳақида. Уни Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ шарҳлайди.

Ўзбекистонда туғилган ҳар бир киши жинси, миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, туғилиши билан шахсий дахлсизликка эга бўлиб, эркин ҳаёт кечиради. Бу — ҳар бир киши эркин равишда, ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга, деган маънони англатади. Фақат шахснинг хатти-ҳаракатлари амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги керак. Ўзбекистонда яшовчи фуқароларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳеч ким инсонга қонунсиз таъсир ўтказиш, уни айрим хатти-ҳаракатларни бажаришга мажбур қилиш ёки унинг баъзи бир ҳуқуқларини чеклаш ҳуқуқига эга эмас.

Инсон туғилиши билан унга таааллуқли бўлган барча қийматлар (ҳам моддий, ҳам маънавий), ҳаёти, соғлиги, озодлиги, шаъни, ор-номуси ва қадр-қиммати дахлсиз бўлиб ҳисобланади.

Шахсий дахлсизлик ва эркинлик ҳуқуқи ҳуқуқнинг турли тармоқлари билан жумладан, жиноят ҳуқуқи билан муҳофаза қилинади. Мазкур ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланган жиноят қонунида бу ҳуқуқларга тажовуз қилинганлик учун жиноий жавобгарлик ва жазо чоралари белгилаб қўйилган.

Асосий қонунимизнинг талабларига биноан ҳеч ким қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Бу қоида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг талабларига тўла мос келади. Яъни унинг 9-моддасининг 1-бандига асосан: «Ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас, қонунда белгилаб қўйилган асосларда ва қонун-қоида таомилига биноангина озодликдан маҳрум қилиш мумкин».

Бу қоидалар инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 9-моддасида баён қилинган «Ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамалиши, ушланиши ва қувғин қилиниши мумкин эмас», деган талабларга тўла уйғун келади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларининг талабларига асосан шахсни ҳибсга олиш ва уни ҳибсда ушлаб туриш тўғрисидаги масала прокурор томонидан ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасига асосан, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексига бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо бериш назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади. Алоҳида ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси бир йилдан ошмайдиган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо бериш назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин.

Қамоққа олиш таърифига эга бўлган эҳтиёт чораси дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси жараёнида қўлланилиши мумкин ва шахсни эркинликдан маҳрум этадиган эҳтиёт чораси сифатида тан олинади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 236-моддасига асосан уни қўллаш масаласи тегишли мақсад ва асосларга эга бўлиши лозим.

Шахсга нисбатан эҳтиёт чоралари қуйидаги ҳолатларда қўлланилади: 1) шахснинг дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш; 2) шахснинг бундан буёнги жиноий фаолиятига барҳам бериш; 3) унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халақит берадиган уринишларига йўл қўймаслик; 4) ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш учун қўлланилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат: 1) ушлаб турилган шахсга; 2) гумон қилинаётган шахсга; 3) айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилади. Оғир касал бўлган, жиноятни эҳтиётсизлик натижасида содир қилган, ҳомиласи беш ойдан ортиқ ва эмизикли болалари бўлган аёлларга қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш мумкин эмас. Оғир касал бўлган шахс ҳаёти хавф остида бўлганда, унга нисбатан қамоқда сақлаш эҳтиёт чораси қўлланилмайди.

<u>Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.</u>

<u>25-модда.</u>

Ушлаб туриш, ҳибсда сақлаш кўпчилик ҳолларда дастлабки тергов даврида амалга оширилади.

Қонунда кўзда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина, гумондор ёки айбланувчини ҳибсга олиш ҳақида санкция бериш мумкинлиги, бу ҳуқуқнинг салмоқли кафолатдир. Бунда прокурор ҳамма материаллардаги ҳибсда ушлаб туришга асос бўладиган ҳолатларни синчиклаб ўрганиши, зарур ҳолларда айбланувчини, айбланувчи вояга етмаган бўлса, ҳамма вақт шахсан сўроқ қилиши шарт, бундай тартибнинг ўрнатилиши республикада яшовчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини муҳофаза қилиш даражасини кучайтиради, қонунийликни ҳамда қабул қилинаётган қарорларнинг асосли бўлишини назарда тутади ва оқибат натижада дастлабки терговнинг сифатли бўлишини таъминлайди.

Жиноят-процессуал кодексида гумондорни, айбланувчини ҳибсда ушлаб туриш муддатлари, уни узайтириш тартиблари белгилаб қўйилган бўлиб, уни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Муносабат

РУҲЛАР ШОД — ЮРТ ОБОД

Мамлакатимиз Президентининг **«Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»**ги Фармони қатағон қурбонининг фарзанди сифатида менинг ҳам қалбимни тўлқинлантириб юборди.

Фармонда: **«Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганлиги, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди»**, дейилгани ҳақиқатда менинг ҳам қалбимдаги гаплар, қатағон қурбонининг етим қолиб турткиланиб, минг азобларда ўтган қисматимнинг айнан ифодасидир.

2000 йил 12 майда қатағон қурбонининг фарзанди сифатида ҳурматли Президентимиз ташаббуслари билан Тошкентда бунёд этилган **«Шаҳидлар хотираси»** ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросимига қатнашиш бахтига муяссар бўлган эдим. Шундай ҳашаматли мажмуани, унда ўтказилган маросимни кўриб, айниқса, Президентимиз маърузаларини тинглаб, кўнглим тоғдай кўтарилган эди.

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросими ўшанда отам учун ҳам ўтказилган маросим эди, ўшанда бахтимиз учун курашиб, шаҳид бўлганлар қатори отам хотираси ҳам ёд олинаётганди. Миллионлаб халқ бахти учун курашиб, сургунларда, узоқ юртларда бадарға қилинганлар, асоссиз тарзда қатл қилиб юборилганлар. Шулар қатори менинг отам руҳи поклари шунчалик ҳурмат-эҳтиром билан ёдлангани учун ҳам истиқлолимиздан, давлатимиздан, ҳурматли Президентимизда минг бора миннатдор бўлиб, шукроналар айтганман.

Улуғ тўй, мустақиллигимиз нишонланадиган кун арафасида ушбу маросим белгиланишида ҳам рамзий маъно бор. Қадимдан аждодларимиз, ота-боболаримиз тўй қиладиган бўлса, унинг арафаси куни ўтганлар хотирасини ёд олар, хатми-қуръон тушуртирар, руҳларини шод этган. Истиқлол байрами арафасида мамлакатимизда қатағон қурбонлари хотираси куни ўтказиб, улар руҳлари шод этилар экан, мазкур тадбир халқимизнинг миллий урф-одатларига уйғун эканлиги кишини хушнуд этади. Шундай удумларни давом эттириб келаётган элимизни, истиқлолимизни, барча эзгу ва савоб ишларнинг бошида турган Юртбошимизни Яратганнинг ўзи доимо қўлласин.

Абдиназар ХИДИРОВ,
Сурхондарё вилояти

ЭЛИНИ РОЗИ ҚИЛГАН БАРАКА ТОПАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Энг муҳим масала моддий манфаатдорликни оширишдан иборат.

Одамлар ишласа ва меҳнатига яраша ҳақ олса, уларнинг тепасида туриб кўрсатма беришга ҳожат қолмайди. Қанча кўп ишласам, ҳаётим шунча яхшироқ, фаровонроқ бўлади, деган фикр одамларнинг онгига мустаҳкам ўрнашиши, қўлини ишга бошқариши керак. Нарсаларнинг, дейлик машинанинг нархини арзонлаштириш билан фаровонликни таъминлаш қийин. Лекин фуқаролар даромадини ошириш орқали фаровонликка эришиш тўғри йўлдир. Барча орзуларимга фақат ҳалол меҳнатим орқали етаман, деган туйғу кишилар дилида устувор бўлса, энг катта бахт шудир. Аксинча, олган пулим қилган меҳнатимга арзимайди, деган фикр туғилишига йўл қўйилса, халқни улуғ ишларга руҳлантириб бўлмайди.

Дунёда жуда оддий бир ҳақиқат бор: берсанг - қайтади, бермасанг - нима қайтади? Одамларимиз меҳнатининг роҳатини кўрсин. Шунда улар янада яхшироқ меҳнат қилади. Бу йилги қурғоқчилик эса бир синов. Бундай қийинчилик олдида руҳни тушириш бизга ярашмайди.

Шундан кейин Юртбошимиз Қамаши туман Амин Умарий номидаги ўрта мактаб ҳамда педагогика-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ҳам бўлди. Бу илм масканларининг замонавий биноларини кўздан кечирди.

Коллежларнинг таълим йўналишлари ҳақида гапирар экан, мамлакатимиз раҳбари йигит-қизларга кўпроқ турдаги касб ўргатиш масаласини кўндаланг қўйди. Шундай чиройли бинолар қуриб, уларга замонавий жиҳозлар ўрнатиб, бор-йўғи беш-олтита касбга ўқитиш, узоқни кўра билмасликдир, деб таъкидлади. Дунё давлатлари бугун кичик ва ўрта бизнесга алоҳида эътибор қаратмоқда, аксар аҳолиси ҳам шу йўл билан фаровонликка эришмоқда. Лекин турли-туман касб эгалари тайёрламасдан туриб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириб бўлмайди.

Давлатимизнинг сиёсати ҳам шунга қаратилган. Ёшларни кўпроқ касбга ўргатолсак, шундагина ишсизликка чора топамиз, шундагина янада фаровонликка эришамиз. Сизлар, деди давлатимиз раҳбари коллеж раҳбарларига, бу йўлда жуда ҳайрли иш бошлабсизлар. Фақат бир тилагим - уни охирига етказинг.

Президент Ислом Каримовнинг коллеждаги бошланғич таълим муассасаларига тарбиячилар тайёрлаш гуруҳи ўқувчи қизлари билан учрашуви жуда самимий ўтди. Бу учрашувнинг талабалар ёдида умрбод сақланиб қолиши тайин. Буни лингафон билан жиҳозланган кенг ва ёруғ кабинетда сабоқ олаётган қизларнинг гулгун чеҳраси айтиб турарди.

Сизларнинг ҳаммангиз асл инсонлар бўлиб етишингизга ишонгим келади, деди Юртбошимиз. Мен ўз ҳаётий тажрибамдан хулоса қилиб айтаманки, ўтган умрингдан рози бўлишдан ортиқ бахт йўқ экан бу дунёда. Биз, ўзбеклар мен кўрганларни болаларим кўрмасин, деймиз. Албатта, бу ерда ота-оналар ўзлари кўрган қийинчиликларни назарда тутади. Мен Сизларга қийинчиликларни кўрманглар, демайман. Кўринглар, фақат бу қийинчиликлар касб ўрганиш, чин инсон бўлиш йўлидаги ёруғ ва хайрли қийинчиликлар бўлсин. Менинг энг буюк орзуим - сиздай йигит-қизларимизнинг ривожланган давлатлардаги тенгқурларидан ҳам фаровонроқ, тўкисроқ яшашига эришиш. Шу мақсадга эришсам, мен ўзимни жуда бахтиёр деб биламан, ўз ҳаётимдан рози бўламан.

Мамлакат Президентининг ғамхўрлик билан оталарча айтган бундай самимий дил сўзларини эшитган ўқувчилар ҳам эркалик қилишдан ўзларини тийиб туролмадилар. Уларнинг ҳар бири ўз дафтарида давлатимиз раҳбарининг ўз қўли билан битилган дил сўзлари бўлишини хоҳлади. Президентимиз ҳам қизларнинг дафтарларига эзгу тилакларини ёзди. Талабалар билан эсдалик учун суратга тушди.

Сафар ниҳоясида мамлакатимиз раҳбари Қаршида туманлар ҳокимлари, вилоят идораларининг раҳбарлари билан суҳбатлашди. Уларнинг амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги қисқача ҳисоботларини тингладн.

Президент ўз сўзида вилоятдаги мавжуд муаммоларнинг асосий сабабларидан бири моддий манфаатдорликнинг яхши йўлга қўйилмаганида, деди. Деҳқон топшириган ҳосили учун ўз вақтида ҳақини олиши лозим. Жойлардаги раҳбарлар, аввало, ҳокимлар халқнинг кўзига тик қарай олиши учун ҳам деҳқоннинг қонуний ҳаққи ўз вақтида тўланиши шарт. Афсуски, бу борада вилоятда ҳали-ҳамон узилишлар мавжуд.

Бундай муаммоларни ҳал этиш сизларнинг биринчи галдаги вазифангиздир, деб таъкидлади Президент йигитганларга қарата.

Шундагина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш борасидаги давлат буюртмалари бажарилишини таъминлаш мумкин.

Бугун қишлоқ хўжалигидаги вазиятнинг таҳлили учта масалага алоҳида эътибор қаратишни талаб этмоқда, деди мамлакатимиз раҳбари. Биринчиси - сафарбарлик. Комбайнларнинг бир соат ҳам тўхтаб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Далада ишлаётганларга уч маҳал иссиқ овқат ташкил этиш, илғорларни доимий равишда рағбатлантириб бориш керак.

Иккинчиси - уюшқоқлик. Ҳосилни йиғиб олиш конвейерида, дала-омбор тизимида бирон узилиш бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Ғаллани ташийдиган транспорт воситалари ҳамда омборларнинг бетўхтов ишлашини таъминлаш шарт.

Учинчиси - тежамкорлик. Етиштирилган ҳосилнинг бирор мисқоли ҳам нобуд бўлмасин. Айниқса, ўғирликка барҳам бериш лозим. Деҳқоннинг пешона тери билан етиштирилган ва бутун элнинг ризқи бўлган ғалла нопок кимсаларнинг шахсий омборига кириб кетмасин.

Ҳокимлар жиддий ўйлаб кўрадиган яна бир гап сув тақчиллигидан зарар кўрган деҳқонларимизнинг йўқотилган даромади ўрнини қоплаш масаласидир, деб алоҳида қайд этди Юртбошимиз.

Янги иш ўринлари ташкил этиш, ёшларни ва ишсизларни касб-ҳунарга ўргатиш уларнинг доимий диққат марказида туриши лозим. Фақат ғалла, фақат пахта ҳисобидан бутун халқни бойитиш қийин. Кичик ва ўрта бизнес ривожлансагина фаровонликка эришилади. Шунинг учун бу борадаги ёрдамни аямаслик зарур.

Қашқадарёдаги учрашувлар қизғин ва самимий мулоқотларга бой бўлди. Мамлакатимиз раҳбари воҳа аҳлининг бу йил ғалла ва пахта тайёрлаш борасидаги давлат буюртмаларини ўз вақтида бажариш йўлида самарали меҳнат қилаётганидан мамнуният изҳор этди.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎзА мухбири

ДАЪВО РАД ҚИЛИНДИ

* У қонуниймиди?
* Суд ишни вақтинча тўхтатди
* Талон-тарож фош этилди

Боғот савдо ҳиссадорлик матлубот жамиятининг Питнак шаҳридаги «Лаззат» жамоа корхонасидан 1202325 сўмлик дебиторлик қарзни ундириш юзасидан берган даъво аризаси вилоят хўжалик судининг якунловчи мажлисида рад қилинди.

Нега?

У қонуний асосга эгамиди? Ёки...

Суднинг дастлабки мажлисида даъвогар вакили Ш.Худойберганов сўзга чиқиб, жавобгар 1998 йил 1 январда тузилган шартнома бўйича олинган озиқ-овқат маҳсулотларининг пулини бир неча бор огоҳлантиришларга қарамасдан, тўламасдан келмоқда, деб фикр билдирди ва мавжуд ҳужжатлар асосида ўз даъвосининг қонунийлигини исботлаб, уни тўла қаноатлантиришни суддан сўради. Жавобгар вакили Б.Матёқубов эса даъвони рад қилишни сўради. Негаки, маҳсулот олинмаган, корхонага кирим қилинмаган. Судга тақдим қилинган 1998 йил 20 августда берилган 41-сонли ишонч хати «Лаззат» жамоа корхонасининг ҳужжатларни қайд қилиш дафтарида рўйхатга олинмаган. Унда бош ҳисобчининг имзоси йўқ. Демак, у молиявий ҳисоб-китоблар юритиш қонун-қоидаларига асосан яроқсиз ҳисобланади.

«Лаззат» корхонасининг собиқ бош ҳисобчиси О.Маткаримов судда гувоҳлик бериб, 41-сонли ишонч хати ким томонидан берилганлигини, Боғот савдо ҳиссадорлик матлубот жамияти ҳисобидан чиқарилиб, «Лаззат» жамоа корхонасига берилган 1712526 сўмлик маҳсулот ким томонидан олинганлигини, корхонага кирим қилинмаслик сабабини билмаслигини баён қилди. Яна бир гувоҳ - собиқ таъминотчи Р.Ражабов ўз номига берилган ишонч хатини биринчи марта кўраётганлигини, ундаги имзо ўзиники эмаслигини, Боғот матлубот жамиятидан бу ишонч хати билан ҳеч қандай маҳсулот олинмаганлигини баён қилди. Шунингдек, шу корхонанинг собиқ раҳбарлари М.Аннаев, Д.Раззоқовлар судда гувоҳлик бериб, икки ўртадаги олди-берди расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳақиқий эмас, деган фикрни билдиришди.

Хўш, ким ҳақ? Даъвонинг қонунийлигини исботлашга уринаётган даъвогарми ёки уни тан олмаётган жавобгарми? Масалани одилона, қонун асосида ҳал қилиш лозим. Шуларни эътиборга олиб, хўжалик суди даъво ишини вақтинча тўхтатишни лозим топди. Ҳужжатларни тергов йўли билан аниқлаш учун ушбу факт бўйича жиноят иши қўзғатиш хусусида ажрим чиқариб, ишни вилоят прокуратурасига юборди.

Хусусий ажримдан:

«Боғот савдо ҳиссадорлик матлубот жамиятида ҳисоб-китоб ишлари нотўғри юритилиб, қалбаки ҳужжатлар тайёрланган. «Лаззат» жамоа корхонасига 1538317 сўм бергидор қарзи бўла туриб, 1202325 сўм олғидормиз деб даъво қилган. Судда низони тўғри ҳал қилиш қийин. Ким ҳақлигини ва айбдорларни фақат тергов йўли билан аниқлаш лозим.

Иккала корхонанинг мансабдор ва моддий жавобгар шахсларининг хатти-ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 172-моддасида, 167-моддасининг 1-қисми «а» бандида ва 207-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлар мавжуд. Яъни 1772526 сўмлик маҳсулот Боғот матлубот жамиятидан чиқим қилинган, аммо «Лаззат» жамоа корхонасига кирим қилинмаган. Пул кимнинг ҳисобида?

Ноаниқ. 1998 йил 1, 4, 8 ва 21 августда Боғот матлубот жамиятидан жўнатилган маҳсулотлар битта ишонч хати орқали берилган. 1998 йил 25 ноябрда «Лаззат» жамоа корхонасидан олинган 339910 сўмлик маҳсулот эса Боғот матлубот жамиятида кирим қилинмаган. Ишонч хати ҳалигача ёпилмаган...»

Хусусий ажрим билан қўзғатилган жиноий иш бўйича тергов ишлари олиб борилди. Анча давом этган бу жараёнда тўпланган ҳужжатлар айблов фикри билан Хонқа туман судига оширилди. Судья Б.Хўжаниёзов раислигида бу жиноий иш кўриб чиқилди.

Маълум бўлишича, Боғот савдо ҳиссадорлик матлубот жамиятининг гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш цехи мудири Шуҳрат Нурматов (марҳум) ўзаро олди-сотди тўғрисида шартнома бўлмаса ҳам, рўйхатга олинмаган, рақамсиз 4 та сохта юк хати орқали 1772525 сўмлик маҳсулотни «Лаззат» жамоа корхонаси ҳисобига чиқим қилган. «Лаззат» жамоа корхонасининг 4-дўкони мудири С.Кодировдан олинган 339910 сўмлик маҳсулотни эса кирим қилмаган. Ҳужжатларни эса ҳисоботига қўшиб, бош ҳисобчига топширган.

Шунингдек, Хива туман «Фурқат» хусусий фирмаси штампи ва муҳри босилган 10-сонли ишонч хати орқали бу фирмада умуман ишламаган, судда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган И.Саъдуллаев номига 4505569 сўмлик маҳсулотни раҳбарнинг рухсатисиз, бош ҳисобчи имзоси бўлмаган ҳужжат орқали чиқим қилган. Бундан ташқари Урганч шаҳридаги «Савдо» хусусий корхонаси ҳисобига бу ерда ишламаган, шахсини аниқлаб бўлмаган С.Искандаров номига сохта ҳужжат ёзиб, ўз жавобгарлигидаги товар-моддий бойликлардан 1350785 сўмлик маҳсулотни 1999 йил 22 июнда «бериб» юборган. Корхона раҳбари Ҳайитбой Рўзиматовнинг судда гувоҳлик беришига қараганда, «Савдо» хусусий корхонаси 1999 йил 1 январдан кейин умуман фаолият кўрсатмаган.

Хуллас, турли сохта ҳужжатлар асосида 7968790 сўмлик моддий бойликлар талон-тарож қилиниб, ўзлаштириб юборилган. Ҳужжатларнинг сохталиги эса на раҳбар, на бош ҳисобчининг эътиборини тортган.

Ҳисоботларни эса масъулиятсизлик билан қабул қилишган.

Шундай қилиб, Хонқа туман суди ўз мансаб ва хизмат вазифасига совуққонлик билан қараган, унга эътиборсизлик билан муносабатда бўлиб, сохта ҳужжатлар асосида корхонанинг катта миқдордаги моддий бойликларининг ўзлаштирилишига йўл қўйган Боғот савдо ҳиссадорлик матлубот жамиятининг бошлиғи Давронбек Раззоқов ва бош ҳисобчиси Бектурди Матёқубовларни айбдор деб топди. Суд уларнинг ўз айбларига икрорлигини, моддий бойликларни ўзлаштирмаганлигини эътиборга олиб, ҳар иккаласига шартли равишда жазо тайинлади. Корхонага келтирилган 7968790 сўмлик зарарни эса уларда солидар тартибда маошларидан ундириш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Хуллас, хўжалик судига қарзни ундириш юзасидан берилган бир даъво аризаси катта миқдордаги талон-тарожликнинг фош бўлишига сабаб бўлди. Жавобгар ҳақ, даъвогар эса ноҳақ бўлиб чикди.

С.РАҲМОНОВ,
Хоразм вилоят хўжалик суди судьяси



Қашқадарё: истиқлол йилларидаги бунёдкорлик

ЕР ПАСПОРТИ:

уни жорий этиш нима учун керак?

Ҳаётимизнинг асосий манбаи, тараққиёт, борлиқ, эзгу муруввat, буюклик замини — она еримиз шундай хазина ва мўъжизаки, у меҳр-муҳаббат, эъзоз ва меҳнатни суяди. Она еримиз қанча яхши парваришланса, эъзозланса, шунча кўп эҳсонларни инъом этади.

Мутахассис олимларнинг фикрича, табиатда 18 см қалинликдаги унумдор тупроқ ҳосил қилиш учун 1700-14400 йил, тупроқнинг 25 см қалинликда унумдорлик қувватини тиклаш учун эса 2700 йил керак бўлади. Бу ҳол бизнинг ерга бўлган кечаги муносабатимизни тубдан ислоҳ қилишимизни тақозо қилди.

Ердан самарали фойдаланиш, унинг мувозанати ва унумдорлигини сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳуқуқий ҳужжат жорий қилишдир.

Хўш, ерга нима учун паспорт жорий қилиш керак? Масалага ойдинлик киритиш учун амалдаги қонунчиликда ерга эгалик қилиш қандай тузилганлигини кўриб чиқайлик.

Ер кодексининг 33-моддасида:

- ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати;
- ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати;
- ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати;
- ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери;
- ер участкаси ижара шартномаси ёки ундан муддатли фойдаланиш шартномаси ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар эканлиги белгилаб берилган.

Ушбу ҳужжатларда ер участкаси ундан фойдаланувчига нимага асосан берилаётгани аниқ кўрсатилган.

Кўриниб турибдики, ерга «эгалик» қилиш механизмини тасдиқловчи ҳужжатлар жуда кўп. Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш, асраб-авайлаш ва унумдор ерларни келажакка қолдириш бизнинг бурчимиз. Ер паспортининг жорий этилиши бу борадаги ишларимизни анча енгиллаштиради. Шу боис ширкат, фермер (деҳқон) хўжаликлари, бошқа корхоналар ва ташкилотларга ер берилаётганда паспорти билан берилиши ва қайтариб олинганда ҳам паспорт билан қайтиб олиниш керак.

Ер паспортида нималар кўрсатилиши керак?

Биринчидан, ер эгаси ким эканлиги аниқ қайд этилиши лозим.

Иккинчидан, ер кимга, қандай ҳужжатлар асосида неча йилга берилаётгани ҳуқуқий ҳужжат - паспортда аниқ ифода этилиши шарт. Айтайлик, ер ҳоким қарорига асосан берилаётган бўлса, шу нарса қайд этилиши керак.

Учинчидан, бериладиган ернинг тавсифий маълумотлари:

- суғориладиган ҳайдаладиган ерлар;
- суғорилмайдиган (лалмикор) ҳайдаладиган ерлар;
- боғлар, узумзор, пичанзор, яйлов, зовур-йўллар, иморат ва бошқалар;
- суғориладиган ерларнинг сифати (фоиз ҳисобида): сув билан таъминланганлиги, қачондан буён суғориб келинаётгани, маданийлаштирилганлиги, сув сингдирувчанлиги, емирилиш, тошлоқлик, шўрланиш даражаси, ер ости сувларининг чуқурлиги, чиринди-ўғитларнинг мавжудлиги, тупроқ бонитет бали ва бошқалар.

Тўртинчидан, ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори:

- ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;
- ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаб туриш кабилар инобатга олинади.

Хуллас, Ер кодексида назарда тутилган туркум тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар талаб этилади.

Ер умуммиллий бойлигимиздир. Ундан фойдаланишда шўро замонидан қолган муносабатни тубдан ўзгартиришимиз тақозо этилмоқда. Ҳозир сир эмаски, кўпчилик ер олишга ҳаракат қилади. Бироқ ундан фойдаланиш борасида муаммолар анчагина. Ер олиндими, ундан фойдаланиш, ерни эъзозлаш, муҳофаза қилиш борасидаги жавобгарлик туйғуси онгимизга қатъий ўрнашмоғи, унумдор ернинг ҳар бир қаричи аниқ ҳисоб-китоб қилинмоғи керак. Ерга паспорт жорий қилиш орқали табиат берган мўъжизадан оқилона фойдаланиб, ота-боболардан қолган ерни келажак авлодга кўз қорачиғидай асраш — бизнинг бурчимиздир.

С.ҲОТАМОВ,
Адлия вазирлиги кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи

ТАҲРИРИЯТДАН: Ер муносабатларини тартибга солиш борасида етарли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлса-да, бироқ уларни амалда жорий этишда муаммолар анчагина. Жумладан, ердан фойдаланиш ҳужжатлари масаласида ҳам. Жойларда унинг қандай жорий этилаётганлиги хусусидаги фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

Қонун ҳамма учун баробар

ИНСОН ОМИЛИ — ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ДАСТАГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қўрғонтепа туман ДСИ томонидан «Зафар-Зиё» хусусий фирмасига, Улуғнор туман ДСИ томонидан «Андижонбалиқ» акциядорлик жамияти, Баликчи туман ДСИ томонидан «Ҳожимуҳаммад» хусусий фирмаси, Шаҳрихон шаҳар ДСИ томонидан «Ботиржон» хусусий дорихонасида ўтказилган текширувлар жараёнида ҳам солиқ идоралари ходимлари томонидан процессуал хатоларга йўл қўйилган.

Айрим туман ДСИлари фаолиятида тадбиркорларни ваколатларига кирмайдиган масалалар юзасидан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолатлари учрамоқда. Масалан, Баликчи туман ДСИ бошлиғи ўринбосари О.Нуриддинов «Ипак йўли» фирмасида фаолияти юзасидан (туман прокуратураси текширувига асосан) маъмурий ишни кўриб чиқиб, фирма раҳбари А.Акбаров ҳамда ҳисобчи Д.Темироваларнинг ҳар бирига 24.500 сўмдан жарима белгилаган. Аслида бу иш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига асосан туман (шаҳар) судида кўриб чиқилиши лозим эди.

Изоҳ: Адлия вазирлиги гуруҳининг таклифига кўра ушбу маъмурий иш бўйича қабул қилинган қарор вилоят судининг 2001 йил 21 апрел қарори билан бекор қилиниб, ноқонуний ундирилган жарималар тадбиркорларга тўлиқ қайтариб берилган.

Жалолқудуқ тумани ДСИ томонидан «Райҳон» хусусий дорихонаси фаолиятига нисбатан ҳам юқоридаги каби қонунга зид ҳолатлар қўлланилган. Айрим туман (шаҳар) ДСИлари девонхоналарида иш юритиш жараёни, ҳукумат қарорлари ҳамда давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган йўриқнома асосида ташкил қилинмаган. Масалан, Кўрғонтепа тумани ДСИда иш юритувчи Ш.Абдурахмонов девонхонада ишни ташкил қилишга тааллуқли меъёрий ҳужжатлар билан мутлақо таниш эмаслиги аниқланган.

Қонунларга зид айрим хатти-ҳаракатлар вилоят ички ишлар бошқармаси тизими фаолиятида ҳам учрайди. Тадбиркорлик субъектларининг санитария ҳолати юзасидан текширишлар санитария-эпидемиология назорати марказлари ходимларининг иштирокисиз ёки махсус ваколатга эга бўлмаган милиция ходимлари томонидан ўтказилиб, тадбиркорларни ноқонуний равишда маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолатлари мавжудлиги аён бўлди. Жумладан, Олтинкўл туман ИИБнинг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаси инспектори Ш.Ҳайдаров гарчи махсус ваколатга эга бўлмаса ҳам шу йилнинг 28 февралида тадбиркор У.Хотамовнинг гўшт дўконида текшириш ўтказиб, тадбиркорнинг тиббий кўригидан ўтмаганлиги ва махсус кийимдан фойдаланмаганлигини важ қилиб, унга нисбатан маъмурий баённома тузган. Туман СЭН маркази эса ушбу баённомани асос қилиб, У.Хотамовга (28.03.2001 й) 2450 сўм миқдорида маъмурий жарима қўллаган.

Жалолқудуқ туман ИИБнинг участка катта вакили А.Жумабоев шу йилнинг 18 январида хусусий ошхонада текшириш ўтказиб, ошхона ишчиси И.Турғуновга, шу туман ИИБнинг яна бир участка вакили Р.Алмабоевлар (махсус ваколатга эга бўлмасалар-да) 16 мартда новвой М.Соливега нисбатан маъмурий баённома тузиб, уларнинг ҳар бири 2450 сўмдан жарима жазосига тортилган.

Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати (СЭН) марказлари томонидан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 39, 40-моддалари ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига зид равишда ноқонуний текширишлар ўтказиш ва тадбиркорларни маъмурий жазоларга тортиш ҳоллари аниқланган. Жумладан, Жалолқудуқ туман давлат СЭН марказининг санитар врачи Ш.Фозилов томонидан «Андижон ёқилғи савдо» МЧЖга қарашли 2-АЁҚШ шахобчасида санитария қоидаларига риоя қилиниши юзасидан ноқонуний текшириш ўтказилган.

Бундан ташқари марказ санитар врачи Ш.Фозилов томонидан «Ёшлар» хусусий кафесида (2.03.2001 йилда) қонунга зид тарзда «текшириш» ўтказилган.

Худди шу тартибдаги ноқонуний текширув (марказ санитар врачлари А.Аҳмаджонов ва Ш.Фозиловлар томонидан 26.03.2001 йилда) «Юлдуз» кафесида ҳам амалга оширилган.

Андижон шаҳар ва Олтинкўл туман давлат СЭН марказлари фаолиятида ҳам юқоридаги каби қонунга зид хатти-ҳаракатлар учрайди.

Вилоятнинг айрим туман давлат СЭН марказлари томонидан «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 10, 14-моддаларига зид равишда бир йил давомида айни бир корхона (ташкилот)да асоссиз равишда бир неча маротаба текширишлар ўтказилган. Жумладан, Баликчи туман давлат СЭН маркази томонидан «Қорабой» хусусий дорихонаси, «Саломатлик» жамоа дорихонасида бир неча бор асоссиз текширишлар ўтказилган.

Вилоят давлат СЭН маркази ўз фаолияти мобайнида қонуний кучга эга бўлмаган меъёрий ҳужжатларни (асоссиз равишда) амалиётга (албатта, ўз манфаатини кўзлаб) «тадбиқ этиши» натижасида тадбиркорларни ортиқча сарф-харажат қилишга мажбур этишган. Марказ томонидан тадбиркорлик субъектларига гигиеник сертификатлар (асоссиз равишда) қисқа муддатларга берилган. Жумладан, якка тадбиркор Т.Ражаповнинг (17.07.2000 йилдаги) аризасига асосан берилган 135-гигиеник сертификатнинг амал қилиш муддати 18.07 дан 20.09.2000 йилгача; «Оқсув» фермер хўжалигига берилган 138-сертификатнинг амал қилиш муддати 25.07 дан 31.12.2000 йилгача; «Ривож» фирмасига берилган 145-сертификатнинг амал қилиш муддати 2000 йилнинг 5 августидан 31 декабргача белгиланган. Гап шундаки, юқоридаги ҳолатларда қонуний кучга эга бўлмаган меъёрий ҳужжат рўкач қилиниб, тадбиркорлик субъектлари ортиқча сарф-харажат қилишга мажбур қилинган. Келтирилган мисолдан ҳам аён бўладики, марказ томонидан бериладиган сертификатнинг амал қилиш муддатлари тадбиркорнинг ҳимматига яраша белгиланган.

Бундан ташқари, вилоят СЭН маркази тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларига сертификат бериш ва уларга пуллик хизмат кўрсатиш жараёнида амалдаги қонун талабларига зид равишда икки тарафлама шартномаларни умуман тузмаган.

Юқорида айрим мансабдор шахслар томонидан қонун талабларининг бузилиши жараёнида ҳар икки томоннинг ҳам кайфияту ҳолатларини, инсоний кечинмаларини ҳис этган, кўз олдимизга келтирган бўлсак-да, тафсилотларни холисона, эҳтиросга берилмасдан баён этишга ҳаракат қилдик. Ҳануз бир нарса бизни мулоҳаза юритишга мажбур этади. Хўш, нима учун бундай нохушликлар рўй бераяпти? Унинг илдизи нимада? Қолаверса, бундай кайфиятдан қандай қутулиш мумкин, деган саволлар устида чуқурроқ ўйлашга даъват этади. Уларга жавобан бундай ноқонуний ҳаракатлар замирида шахсий манфаат, манфаатдорлик ётибди, дегимиз келади. Назоратчининг ҳам ҳолатини тушунишга ҳаракат қилайлик. Уни ўзбошимчаликка ундаган нарса ҳам аслида манфаат. Айни манфаат туйғуси уни шундай йўл тутишга мажбур этмаганмикан? Айтайлик, хусусий тадбиркор унинг кайфият, мақсад, муддаосини тўғри пайқаб, кўнгилига қараб муомала қилганида вазият бошқача бўлар эди. Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас, деганларидек, тадбиркор томонидан «назоратчи»нинг кўнгли овланган ҳолларда бунчалик сарсон-саргардонлик бўлмасмиди. Муддао пайқалмагани учун бечора тадбиркор кескинроқ жазога маҳкум этилади. Бундай текширувчи, мансабдорларнинг қутқусига дучор бўлмай десангиз, аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқингизни чуқур ўрганиб олинг. Сўнгра ўзингиз қонунга қатъий амал қилинг. Йўқса, яна унинг тузоғига илиниб қоласиз. Алқисса, бирон-бир фаолият соҳасида ўзимга йўл очаман, десангиз, аввало, ҳуқуқий онгизни такомиллаштиринг. Қонунларимизни мижозлаб ўқишдан тўхтаманг. Чунки қонунларимиз сизга йўл очади, иҳодий ишга изланишга рағбатлантиради. Ҳар қандай вазиятда ҳам манфаатингизни ҳимоя қилади.

Ҳусан ИБРОҲИМОВ

Адлия тизими

САМАРҚАНД

Вилоят адлия бошқармасига ўтган ойда тадбиркорлардан 33 та ариза-шикоят келиб тушди.

***

Хўжалик судларига 7 миллион 568 минг 990 сўмлик дебитор қарзларни ундириш мақсадида даъво аризалари киритилди.

***

Фуқаролик судларига эса ўтган ойда киритилган даъво аризалари сони тўрттани ташкил этди. Бу 3 миллион 378 минг 721 сўмлик моддий ва 200 минг сўмлик маънавий зарарни ундириш тўғрисидадир.

***

Бир нафар хусусий тадбиркорнинг ноқонуний жавобгарликка тортилгани учун жавобгардан 45 минг сўм моддий, 150 минг сўм маънавий зарар суд тартибида ундириб берилди.

***

Тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида корхона, ташкилот раҳбарларига нисбатан иккита тақдимнома, иккита ёзма огоҳнома киритилди.

Талаба мулоҳаза юритади

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ФАРОВОН ҲАЁТ ДЕМАК

Олдимизда турган олий мақсадларимизни амалга оширишга чоғланар эканмиз, авваламбор, шундай саволга тўла жавоб топишимиз керак: халқимиз кеча қандай тузумда яшади, бугун қандай жамиятда яшамоқда ва келажакда қандай жамиятда яшашни ният қилмоқда? Бир сўз билан айтганда, кечаги ва бугунги ҳаётимиз ўртасидаги фарқни тўла англаб етмоғимиз зарур.

Бунинг учун, аввало, жамиятнинг ўзи нима эканлигини тушуниб етмоғимиз лозим.

Жамият муайян эҳтиёж туфайли бирлашган кишиларнинг маълум тарзда ташкил топган мажмуасидир. Давр ўтган сари жамият ўзгариб, тараққий этиб боради. Жамият онгига ижтимоий ва сиёсий тузум жуда катта таъсир ўтказади.

Агар кечаги кунимизга назар ташлайдиган бўлсак, шўро замонида ҳукм сурган ғайриинсоний мафкура, ҳаётдаги таъқиб ва тазйиқлар одамларни маънавий жиҳатдан мажруҳ қилиб ташлаганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, жамиятда миллий, маънавий ва ҳуқуқий онг, маданиятнинг батамом чегараланганлиги жамият тараққиёт эмас, балки ҳалокат сари силжиб боришига олиб келди. Жамиятнинг заифлиги, ўз навбатида, мустабид тузумнинг илдиз отишига, марказлаштирилган бошқарувнинг янада кучайишига хизмат қилди. Мустабид тузум устунлари қулаб, халқимиз ўз эркини қўлга киритгач, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгариш, янгланиш ва тараққиёт юз кўрсатди. Жамиятни янгилаш давлатнинг муҳим стратегик вазифаларидан бирига айланди. Бугун жамиятимиз шўро замонининг барча иллат ва сарқитларидан холос бўлиб, фуқаролик жамияти сари интилаётган интелектуал ва баркамол кишилардан ташкил топиб бормоқда. Халқимизнинг асосий мақсади маънавий-ахлоқий қадриятларга асасланган ҳуқуқий демократик давлатни қуришдир. Албатта, бунинг учун, аввало, фуқаролик жамиятини шакллантириш лозимдир.

Фуқаролик жамияти сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий- ахлоқий маданиятга эга одамлардан ташкил топган жамиятдир. Бундай жамият доимо ривожланишда бўлиб, келажаги, ҳеч шубҳасиз, ёруғ ва буюкдир. Фуқаролик жамиятида ҳар бир фуқаро қонунга бўйсуниб яшайди. Яъни қонун олдида ҳамма баробар саналади. Шунинг учун шўро замонидагидек, ҳеч қачон давлат мажбурлов аппаратига ҳам зарурат туғилмайди. Соддароқ қилиб айтганда, фуқаролик жамиятида давлат жамиятни эмас, жамият давлатни бошқаради. Шу хусусияти билан фуқаролик жамияти шўро тузумидан тубдан кескин фарқ қилади.

Шундай экан, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлати ва фуқаролик жамияти қуриш халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлашнинг асосий шартидир.

Учқун РАҲМОНОВ,
ТДЮИ 1-курс талабаси

Қашқадарё: истиқлол йилларидаги бунёдкорлик

Фикр

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ БИРДЕК АНГЛАНСА...

Яқинда бир ҳамкасбимиз Европанинг ривожланган мамлакатларидан бирида қарийб икки ойлик хизмат сафарида бўлиб қайтди.

Уч-тўрт киши бўлиб уни кўргани бордик. Бир пиёла чой устида гурунг қизигандан қизиди. Сўрамаган нарсамиз қолмади. У ердаги одамлар ҳаёти, маданияти, турмуш даражаси, ривожланган техника тараққиёти-ю, яшаш шароитлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Шунда даврадагилардан ёши каттароғи гап ташлади:

- Уларда қонунлар қандай ишлар экан, шунисига ҳам эътибор бердингми?

- Амалдор ҳам, оддий ишчи ҳам қонун олдида бирдай итоат қиларкан. Ривожланиш шунинг учун қаноат ёзаётган бўлиши керак. Мен буни самолётдан тушгандаёқ, аэропортдаги тартибнинг зўр йўлга қўйилганидан билдим.

Сўнг суҳбатимиз мавзуи ўша давлатдаги ҳуқуқий маданиятга бурилди. Дўстимизнинг айтишича, у ерда ҳатто ёш болаларда ҳам қонунга ҳурмат ҳисси кучли. Масалан, бир бола эрталаб мактабга кетаяпти. Кўчани кесиб ўтиши керак. Нима қилади дейсизми, ўтади. Ўтгандаям фақат белгиланган жойдан, светофорнинг чироғига риоя қилган ҳолда ўтади. Машина миниб келаётган ҳайдовчи ҳам худди шундай тартиб-қоидага амал қилади. Ҳатто кечаси ҳеч ким йўқ пайти ҳам тартибни ёддан чиқармайди. Чунки бу нарса унга болалигидан сингдирилган. Айтайлик, кўчада тасодифан йўл қоидаси бузилди. Полиция ходими қоида бузувчига бир парчагина қоғоз ташлаб кетади, холос. Табиийки, йўл қоидасини бузган шахс ўша жаримани керакли жойга ўзи бориб тўлайди.

Унинг гапларини тинглаб ўтириб, хаёлимга кўп фикрлар келди. Юртимиз мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида турибди. Ўтган давр мобайнида одамлар онгида туб ўзгаришлар рўй берди. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Энди ватандошларимиз ҳам ўзбекистонлик эканлигини қайга борса, фахр билан тилга олади. Ўзимизнинг машиналаримизни кўриб, дилимиз ғурурга тўлади. Биз фахрланиш, ғурурланиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Қисқаси, ўзлигимизни англаб етдик. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бормоқда ва жаҳон ҳамжамиятидан тобора мустаҳкам ўрин эгаллаяпти. Мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқий тизим, маънавият ва умуман, барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Ислоҳотларнинг қонуний негизи яратилди. Ўз ўрнида ривожланиш ва тараққиёт эса кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ.

Лекин баъзи ҳолларда ҳаётда шундай қусурлар ҳам учраб туадики, бунга ҳам ўзимиз сабабчимиз. Масалан, бир тадбиркорнинг дўконига солиқчи келди. Дўкондор гапни қисқа қилиб, солиқчи билан «келишиб», уни жўнатиб юборади. Чунки текшир-текширлардан безор бўлган-да. Қизиқ, ўзи-ку солиқчи қонуннинг амалий ижросини назорат қилгани келганди. Дўкон соҳибининг эгри таклифига нега лаққа кўна қолди?! Шу ҳолатнинг ўзи нафақат икки киши ўртасида, балки ён-атрофдагиларга ҳам салбий таъсир қилмайдими?

Оддий одам қонунни билмай бузса майлику-я, қонун посбони тартибга онгли равишда тескари борса — бу гуноҳи азим яна бир ачинарли ҳол. Ҳаётда нуқул ўз ҳуқуқини талаб қиладиган одамлар ҳам бор. Улар мавжуд қонунларни бир томонлама ёд олишган, яъни ўз ҳуқуқларинигина билишади, холос. Ахир, ҳуқуқнинг ёнида мажбурият деган тушунчаям бор-ку?! Зотан, инсон ҳуқуқини талаб қилиш билан бирга мажбуриятини ҳам ёддан чиқармаслиги лозим. Шундагина биз орзу қилаётган ҳуқуқий маданият юксак ривожланган, ҳар бир қадам қонун билан ўлчанадиган том маънодаги ҳуқуқий жамият қуришга тезроқ эришамиз.

Фарҳод УСМОНОВ,
журналист

Мунозара учун мавзу

МУАЛЛИФ КЎПМИ Ё ЎҚИЛАДИГАН КИТОБ?

(Ўртамиёна китоб чиқариб, сўнг ўзи харидор излаб юрган муаллифлар ўқимасин)

- Ака, хафа бўлмангу ёзувчи дегани ҳам кўпайиб кетди, - дейди ёқилғи-мойлаш корхонасининг раҳбари суҳбат чоғида. - Қайси бир куни бир муаллиф келиб, фалон нусхадаги китобимни шунча сўмдан нақд сотиб берасан, деб туриб олди. Йўқ, дедим. Ахир, ҳар йили чиқарадиган китобидан 200-300 нусхасини ташлаб кетади. Бир марта айтасан, икки марта бажарасан. Ўтмас мол-да! Харидори йўқ ҳисоби...

Куйиниб айтилган бу гапларда жон бор эди. Тасодифан ёқилғи қуйиш шахобчасининг оператори ҳузурига кирганимда номи чиққан бир ҳамкасбимнинг чиройли муқовада нашр этилган қалин китоби турган экан. Нархи билан қизиқдим:

- Неча пул тураркан?

- Бизнинг шахобча ўзи кичкинагина. Бор-йўғи уч киши ишлаймиз. Шунга 2 дона ёзишган экан. Ҳар бири беш юз сўмдан.

- Ўқидингизми? - сўрадим ундан.

- «Шайтанат» бўлсаки, ўқиб чиқсангиз. Наридан-бери бир варақладим, бекорчиликдан. Тўғриси, кўпига тушунмадим. Кейин жуда зерикарли. Ҳа, энди шу «Заправка»да бир буюмдай турибди-да!..

Шўрчидаги савдо корхонасига кирганимда, бир қўлтиқ китоб кўтариб олган ўрта ёшли бир кишини учратиб қолдим.

- Мен шоир фалончи бўламан, - деб таништирди у ўзини.

Эшитмаган эканман. Ўша шоир акамиз менга узатган шеърий тўпламни олиб, биринчи варағига қарадим. Муаллиф китобини вилоят савдо компанияси бошлигига бағишлаган экан. Тушундим. Компания бошлиги китобни нашрдан чиқаришга пул ўтказган. Шу сабаб китоб ўша раҳбарга бағишланибди. Мабодо у одам бошқа мансабда бўлса эди... Бағишлов?..

Шоир акамиз савдосини кузатган бўлдим.

- 30 тасини олинг. 40 киши ишлар экан-ку, - илинди шоир.

- Ака, ҳозир биласиз, савдомизнинг ҳам чўғи паст. Режани зўрға бажариб турибмиз.

Китоб савдосидаги тортишув анча қизиди. Ниҳоят, ўзаро келишиб, ҳисобчи 15 тага не азоблар билан рози бўлди. Шоир акамиз чиқиб кетгач, у:

- Ўтган йили ҳам кўп китобини ташлаб кетган эди, сотолмай, аранг 6 ой деганда нақд пул қилиб берган эдим. Яхши китоб бўлса-ку... қолиб кетмайди.

Бу ҳақида ўйлаганда, шундай ҳақли савол туғилади: ҳомий топиб, ўртамиёна ёки савияси жуда паст китоблар нашр этаётган, аслида, янги бизнес йўлига ўтган муаллифлар кўпайиб кетмадимикин? Савияси паст китобларни қаранг, ким ҳомийлик қилган бўлса, китоб ўша раҳбарга бағишланган. (Аслида раҳбар ҳам ўз ёнидан эмас, корхона айланма маблағига рози). Шу баҳонада юзлаб нусхадаги бадиий даражаси паст китоблар ўша бағишлов қилинган раҳбар корхонасига берилиб, нақд пулга айланади. Сотилмай қолган ўртамиёна китоб эса савдо дўконида қолдиқ мол ҳисобида чанг босиб ётади. Сотувчига ҳам, муаллифга ҳам қийин. Ҳа, жуда қийин. Қанча меҳнату қоғоз-чи?..

Масалан, сиз 1000 нусхада чоп эттирган ҳар қандай китобингизни пуллаш учун (у хоҳ бадиий савияси ўрта, хоҳ умуман ўқишга арзимайдиган бўлсин, бунинг аҳамияти йўқ) тўғри келган туман «Почта» ҳиссадорлик жамияти раҳбарининг кўнглини топсангиз бас. Буёғи жуда осон кечади...

Ҳозир ҳомий топиб марказда бўлмаса ҳам вилоят ёки шахсий босмахонада бемалол китоб чиқаришингиз мумкин. Чунки бу матбуот нашрларининг шахобчаларини китобнинг бадиий савияси қизиқтирмайди. Балки олдиндан ўтказиб бериладиган маблағ юқори погонада туради. Хоҳлаган нусхада ҳомий «акангиз» ишлайдиган корхона ҳисобидан пул ўтказиб, китоб чиқараверинг. Сўнг ўзингиз китобларни қўлтиқлаб, сотиб юрасиз. Мабодо китобни амалдор акахонимизга бағишласангиз-ку, ишларингиз юришиб кетади. Яъни қисқа фурсатда «ўтмас» китобни ўткирлаб, пуллаб оласиз. Қишлоқдаги саноқли китоб дўконлари пештахтасига бир назар солинг. Ўтмай қолган китоблар тиқилиб ётибди. Хўш, муаллиф кўпми, ўқиладиган китоблар-чи?!

Собир ЁДИКОВ,
«Инсон ва қонун» махсус мухбири

Саволлар беринг!

Уларни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Бу галги саволларга республика Прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи Ислом ЖАСИМОВ жавоб беради.

- Онам 1971 йил отам билан қонуний никоҳдан ўтмасдан (уй рўйхатида ҳам бўлмаган) турмуш қуришган. Мен 1972 йилда туғилганман. Отам мени ўз фамилиясига ўтказган. Бир ёшга тўлганимда, отам билан онам ажралишган. Кейин отам бошқа аёл билан турмуш қуриб, бир қиз кўрган. 1985 йилда отам вафот этди. Улар яшаган уй - уч хонали секция бувимнинг номида бўлган. 1986 йилда бувим ҳам вафот этди. 1985 йилда бу уй бузилиб, ўрнига уч хонали квартира берилган. Биз ҳозир уй-жойдан қийналяпмиз. Ушбу уйдан менинг ҳам мерос олиш ҳуқуқим борми? Юрист билан маслаҳатлашсам, у шундай жавоб берди: «Уй 1992 йилда хусусийлаштирилган. Отангиз 1985 йилда вафот этган. У киши уй хусусийлаштирилган йилларда ҳаёт бўлмаган. Уй бувингизнинг номида бўлган. Бувингиз ҳам 1986 йилда вафот этган экан. 1992 йилда уй отангизнинг кейинги хотинининг номига хусусийлаштирилган ва унинг шахсий мулкига айланган. Сизнинг бу уйдан мерос олишга ҳаққингиз йўқ».

Шу жавоб тўғрими?

Б.Раҳимов,
Тошкент шаҳри

Жавоб: Ҳа, юристнинг жавоби тўғри. Чунки, уй бувингизнинг номида бўлса ҳам, бувингиз яшаган даврда давлат тасарруфида бўлган. Давлат тасарруфидаги уйларни эса мерос қилиб қолдириш мумкин эмас.Шундай экан, бу уй бувингиздан қолган мерос ҳисобланмайди. Ҳозирда эса бу уй отангизнинг кейинги хотинининг шахсий мулки ҳисобланади ва бундан сизнинг мерос талаб қилишга ҳаққингиз йўқ.

***

- Менинг икки нафар фарзандим бор. Хотиним билан келиша олмай ажрашганмиз. Болаларим суд қарорига кўра, онасининг қарамоғида қолган. Мен иккита бола учун 2500-3000 сўм нафақа тўлаётган эдим. Ҳозир эса ҳеч қаерда ишламайман. Суд ижрочиси мени чақиртириб, хотинингиз шикоят қилди, алиментни кўпроқ тўланг, деди. Менинг ҳозирги оиламда 1 нафар фарзандим бор. Олдинги хотинимда қолган болаларим учун кўпроқ нафақа тўлашга имкониятим етмаяпти. Қонунда иккита бола учун қанча нафақа тўлаш белгиланган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

А.Бахриев,
Тошкент шаҳри

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96- моддасида: **"Ота-она вояга етмаган фарзандларига таъминот бериши шарт"**, дейилган. Шунингдек, ушбу кодекснинг 99-моддасида ***"Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-оналарнинг ҳар ойдаги иш ва бошқа даромадининг бир бола учун тўртдан бир қисми, икки бола учун учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун ярмиси миқдорида ундирилади"***, дейилган. Ушбу моддада, шунингдек, ***"Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин"***лиги қайд этилган.

Сиз мазкур Кодекснинг 99- моддасида белгиланганидек, иккита болангиз учун ойлик маошингизнинг ёки бошқа даромадларингизнинг учдан бир қисми миқдорида алимент тўлайсиз.

Тарих тилга кирганда

ОНА ЕР МЕҲРИ

Истиқлолнинг мўъжизавий қудрати шунда ҳам кўринадики, у энг аввало, ҳар биримизга жаннатмакон юртимиз, унинг беҳисоб бойликлари, тупроғи ва сувига эгалик қилиш ҳуқуқини берди.

Англаган одам бунинг замирида инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи, ғурури ори ва қадр-қиммати билан бевосита боғлиқ катта ҳикмат борлигини кўради.

Ҳолбуки, кеча — мустабид тузум даврида халқимиз мана шундай ҳуқуқлардан батамом маҳрум қилинган, гарчи шу юрт ота-боболаримиздан қолган муқаддас макон бўлса-да, унга эгалик туйғусини ҳис этмасдик.

Биргина экин экиладиган ерни олиб кўрайлик. Деҳқон уззукун даладан бери келмаса-да, шу дала меники деб баралла айта олармиди?!

Йўқ.

Бундан ҳам ёмони XIX асрда — халқимиз мустамлакачилик зулми остида яшаган даврда рўй берган. Маълумки, юртимизга ёвуз ниятда бостириб кирган ҳар бир истилочилар энг аввало, беҳисоб бойликларимизни ўмариб кетиш, талон-тарож қилиш пайида бўлган. Буни чор Россияси истилосидан кейин рўй берган мудҳиш воқеалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўша даврда мустамлакачилар барча бойликларимиз сингари халқимизни тўйинтириб келган экин экиладиган ерларга ҳам кўз олайтиришган, уни деҳқоннинг қўлидан тортиб олиш пайида бўлишган. Масалан, чор Россиясининг ҳарбий инженери С.Ананчев ва князь Б.Андронниковлар Бухоро амирлигига қарашли Шеробод ва Бойсун беклигидаги 72,5 минг ботмон ерни гўё 99 йилга ижарага оладилар.

Мустамлакачиларнинг ғаразли муддаоси — ерга эгалик қилиш эканини маҳаллий амалдорлар хаёлларига ҳам келтиришмаган. Улар фақатгина ҳосилдан ўлпон олиш, шу билан нафсларини қондиришдан бошқа нарсани ўйлашмаган.

XX асрнинг бошларига келиб эса юртимиздаги унумдор, сersув ерларни талон-тарож қилиш янада авж олиб кетган.

Биргина чор Россиясининг савдогари В.Глушков ва истеъфодаги генерал Конаев Қободиён беклигидаги 4 минг 706 ботмон ерни эгаллаб олишади.

Каспийорти темир йўл қурувчиси Г.Аннековнинг қизлари — Вера ва Марияларга Кўргонтепа беклигидаги 8 минг ботмон, Бухоро темир йўл қурувчиси Т.Ковалевский Карпидаги 28 минг 860 ботмон, Калиф беклигидан эса 5 минг 619 ботмон ерни қўлга киритишади.

Савдогар И.Чаевнинг нафси ҳаммасидан ошиб тушади. У Бухоро амирлиги ҳудудидаги 65 минг ботмон энг унумдор ерни деҳқонлардан тортиб олади.

Албатта, бундай ғайриинсоний сиёсат, деҳқонларнинг ерини очиқ-ошкор талон-тарож қилиш ҳаётда беиз кетмаган. Буни энг аввало, ерларидан айрилиб қолган деҳқонлар турмуш тарзида кўриш мумкин. Чунки деҳқон ўз рўзғорини бир парча ери орқасидан тебратиб келган. Аммо шу бир парча ерни ҳам мустамлакачилар унинг қўлидан торитб олишгач, ҳаётда очлик, қаҳатчилик бошланган. Бу эса шак-шубҳасиз, уларнинг истилочиларига қарши бош кўтариш, ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишга ундаган.

Агар халқимиз бошидан кечирган тарихнинг энг оғир палласи — мустамлакачилик даврига назар ташласак, маҳаллий деҳқонлар билан чор Россияси корчалонлари ўртасида айнан мана шу ер масаласида кўплаб зиддиятлар рўй бериб ўтганини кўрамиз.

Масалан, 1916 йил Шеробод беклигида юзага келган тўқнашувда деҳқонлар чор амалдорларидан инженер Кольтсер ва агроном Скурскийларни қўлга олишган. Чор амалдорлари ўзларининг жонини сақлаб қолиш учун бундан буён деҳқонларнинг ерларига тегмаслик тўғрисида тилхат ёзиб беришган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириб ўтиш мумкин.

Энг даҳшатлиси, чор амалдорлари деҳқонлардан тортиб олган ерларга экин экишни хаёлларига ҳам келтиришмаган. Балки улар бу ерларни ким ошди савдосига қўйиб, сотиб юборишган. Шунинг натижасида ер қўлдан-қўлга ўтиб, қаровсиз қолиб кетган. Натижада у ўзининг унумдорлигини йўқотиб, ташландиқ ҳолатга келган. Деҳқонлар эса ердан маҳрум бўлиб қолган. Аслида бу мустамлакачиларнинг жаннатмакон еримизга ғайриинсоний муносабатининг бир кўриниши, холос.

Бугун истиқлолнинг эркинлик сиёсати туфайли юртимизда деҳқонларнинг қадр-қиммати, ғуруру шаъни улуғланаётган, у ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб ҳис этиб, эркин меҳнат қилаётган экан, бунда ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз озодлиги билан бевосита боғлиқ буюк ҳикмат бор.

Шу маънода истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унинг қадр-қимматига етиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Фарҳод МАЪРУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси

Оталар дейдики:

Фирибгарлар ҳамиша софдил одам бўлиб кўринишга интиладилар.

Ҳар қандай товламачи ҳам ўзи алдамоқчи бўлган одамнинг хотираси пастлигини мўлжаллайди.

Қусурлар билан ошна тутинган одам, ўша қусурларнинг асиридир.

Гарчи амалга оширилмаган бўлса-да, кўнгилга келган жиноят барибир жиноятдир.

Кимки жиноятнинг олдини олишга имкони бўла туриб, уни қилмаса, у жиноятни рағбатлантиради.

Ўғирлашга имкон яратиш ўғрини туғдиради.

Жазо бермаслик жиноятга катта рағбатдир.

КИЙИМ, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

ёхуд

судьяларнинг махсус кийими, унинг пайдо бўлиш тарихи ҳақида

Судья ва суд ходимларининг махсус кийими, унинг пайдо бўлиш тарихи ҳақида фикр юритар эканмиз, шундай табиий савол туғилади: ҳўш, судьялар нега махсус кийим кийишади? Бунинг сабаблари нима билан изоҳланади?

Кўпгина Ғарб давлатларининг шунга бевосита дахлдор ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, судья, суд ходимлари ва адвокатларнинг иш жараёнида махсус кийим кийишдан уч асосий мақсад кўзда тутилган:

1) анъанавийлик;

2) судьянинг мустақил эканлиги тимсоли;

3) судьянинг ташқи қиёфасини яшириб туриш.

Энди бундай махсус кийимларнинг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида айтадиган бўлсак, судьяларнинг мартабасидан далолат берувчи махсус кийими – мантия (грекчада ёпинчиқ, пальто маъносини билдиради) даставвал қадим Англияда пайдо бўлган ва у ўзининг узоқ тарихига эга.

Қадимги Англияда судья ва суд ходимларининг иш фаолияти ҳамда расмий кийимлари ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар 1635 йилда яратилган **"Суд қонунлари"** да учрайди.

Судья ва суд ходимларининг расмий кийимига тааллуқли бўлган бу муҳим ҳужжатга 1922 йилда аёл адвокатларнинг либослари ҳақидаги кичик бир тузатиш киритилганлигини ҳисобга олмаганда, шу пайтга қадар унга бирон бир ўзгартириш киритилмаган.

"Суд ходимларининг кийимлари" деганда судья ва адвокатлар томонидан махсус тадбир, яъни суд мажлислари жараёни ва кундалик иш фаолияти давомида кийилган расмий кийимлар назарда тутилган.

Бу кийимлар икки хил бўлиб, уларнинг биринчиси - махсус тантаналар чоғида кийиладиган кийим, иккинчиси эса, кундалик иш давомида кийилган кийимлардан иборат бўлган.

Англия суд амалиётида суд ишлари учун кийиладиган расмий кийимлар бир-биридан фарқланиб туради.

Олий суд судьяси кийими тиззагача тушиб турган калта шим, пайпоқ, учи қайрилма туфли, камар (қишки пайтларда тақилган)дан иборат бўлиб, эгнида оч қизил мантия, бошида эса узун парик (улама соч) бўлган.

Олий суд судьяларининг кундалик иш кийими мутахассислигига қараб бир-биридан фарқ қилган. Мисол учун, Олий суднинг оилавий масалалар ва архив ишлари бошқармаси судьялари пальто, нимча, камар, юбка ёки шим, қора ипак мантия ва калта парик кийишган.

Олий суднинг фуқаролик масалалари билан шуғулланувчи судьялари эса мўйнали (ёз пайтлари сиёхранг) ипак мантия, қора шарф, камар ва қизил қайтарма қалпоқ (капюшон) кийишган.

Вилоят судьялари суд маросимида калта шим, пайпоқ, қайрилма туфли, ичи сиёҳ ранг, ташқариси бинафша ранг мантия ва қайтарма қалпоқ ҳамда бошларига узун парик кийишган. Кундалик иш кийими эса юқоридагига ўхшаш, фақат париклари калта бўлган.

Туман судьялари эса тантанали маросимда қора калта пальто, калта нимча ва ҳошияли шим кийишган. Кундалик иш кийими эса қора рангли мантия ва калта ясама сочдан иборат бўлган.

Шаҳар бошқармасига аъзо судьялар ҳам, Адлия вазирлиги ҳам шаҳар бошқармаси билан боғлиқ бўлгани учун уларнинг иш кийимлари бироз норасмий кўринишда (яъни мантиясиз) бўлиб, одатдаги замонавий костюмлардан фарқ қилмаган.

Англияда адвокатлар тизими анча мураккаб бўлиб, бир неча босқичлардан иборат. Қирол адвокатлиги энг юқори босқични ташкил этади.

Қирол адвокатлари узун парик, тюмдан иборат судда кийиладиган махсус кийимни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд ходимлари эса расмий кийимда бўлмайдилар. Фақаттгина Олий суд судьялари ва уларнинг ўринбосарларининг котиблари ёқа ва енглари жимжимадор ҳошияли расмий кийимда бўлишади.

Вилоят суди судьялари ва уларнинг ўринбосарларининг котиблари ҳам худди шундай кийимда, фақат париксиз, суд назоратчилари эса оддий кийимлари устидан қора мантия кийиб юришади.

Англияда суд тизими ва адлия ходимларининг мавқеи жуда баланд. Муайян тартиб ва одил суд тимсоли бўлган судьяларни давлат ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келади.

Буни халқ орасида ўтказилган сўров натижалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумотларга қараганда, англияликларнинг 67% судьяларнинг анъанавий кийимлари бундан кийин ҳам ўзгаришсиз қолиши, 15% ўзгартириш кераклиги, 14% эса маълум бир ўзгартиришлар киритиш тарафдори эканликларини, 5% эса мантиянинг бекор қилиниши, фақат парикларнинг сақлаб қолиш зарурлигини таъкидлашган.

Иккинчи томондан эса 365 йилдан буён судьяларнинг кийими ўзгармай келаётганлиги англияликларнинг ўз анъана ва қадриятларига нечоғлик содиқ эканлигидан далолат беради.

Европанинг бошқа мамлакатлари, хусусан, Италияда эса судья, суд ходимлари ва адвокатларнинг расмий кийими "тога" деб аталиб, у тасмали (аксельбандли) қора ипак мантия ва шапкадан иборат.

"Тога" сўзи ҳам аслида "Рим мантияси" деган маънони билдиради. Дастлаб "Тога" деганда Римда турли лавозимдаги хизматкорлар кийиб юрган кийим назарда тутилган.

Ҳозирги кунда "тога" деб фақат аппелацион суд судьялари ва адвокатлар мажлисларда кийиладиган махсус кийимга айтилади.

Судья ва суд ходимлари учун "Тога" қуйидаги тартибда фарқланиб туради:

- Олд томон ёқаси қора атласли;
- Енги духоба ҳошияли;
- Ёқаси атлас ҳошияли.

Шунга кўра:

- Суд ижрочиси ёхуд суд мажлиси котиби қизил ипакдан қилинган тасмада;
- Суд ходими оқ тасмада;
- Давлат ҳисоб Палаталари, суд мажлисларининг котиблари сариқ тасмада;
- Аппелацион суд маслаҳатчиси даражасидаги судьялар кумушранг тасмада бўлишлари керак.

Адвокатлар учун эса "тога" қуйидаги тартибда фарқланиб туради:

- Олд ёқаси қора атласли;
- Ёқаси духоба ҳошияли;
- Енгги духоба каштали.



Англия: Лорд канцлер – суд ҳокимиятидаги олий мансабдор шахснинг хизмат кийими

Италияда Кассацион судда ҳимоячи сифатида иштирок этаётган адвокатлар қора тилларанг тасмада, бошқа тоифадаги адвокатлар эса қора кумушранг тасмада бўлганлар. Бу ҳолат ҳозирги кунга қадар ўзгаришсиз сақланиб келинмоқда.

Фуқаролик ишлари бўйича қироллик судьясининг қишки хизмат кийими

Латвияда судьяларнинг махсус кийими ҳақидаги тушунчалар XX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Бироз кейинроқ эса, яъни 1922 йилда ҳукуматнинг "Суд ташкилотларидаги маъмурий ходимларнинг расмий кийими тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

Шўролар даврида буткул тақиқлаб қўйилган мантия, махсус бош кийим ва судьяларнинг мартабасини билдириб турувчи кўкрак нишони бўлган занжир 1992 йилда Латвия Республикасининг "Суд ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган кейин яна қайтадан тикланди. Мазкур қонунга кўра судьяларнинг махсус кийими мантия, мартабалик нишони-занжир ва бош кийим (фақат Конституцион суд судьяларигагина тааллуқли бўлган)дан иборат.

Латвияда мантиялар махсус буюртма билан тайёрланиб, очиқ ёқали ва ўнта тугмали бўлади.

Туман (шаҳар) судьялари қора матодан, вилоят судьялари қизил матодан, Олий суд судьялари оч қизил ранг матодан, Конституцион суд судьялари тўқ қизил ранг матодан тикилган расмий кийимда бўладилар.

Латвиядаги судьяларнинг бош кийими ҳам махсус буюртма билан тўқ қизил сатиндан тайёрланади. Бош кийимнинг юқори қисми тиллоранг тасма билан безатилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Олий суд ва вилоят, туман (шаҳар) суди судьяларининг махсус бош кийимлари йўқ. Бош кийим фақат Конституцион суд судьяларигагина мавжуд.

Судьяларнинг мартабасини билдириб турувчи нишон – занжир эса мисдан тайёрланади. Унинг чеккасида Латвия Республикаси гербининг 24 кичик нусхаси ва ўртасида эса битта катта нусхаси жой олган.

Конституцион суд судьяларининг кўкрак нишони - занжири ҳам бошқа тоифадаги судьяларники билан бир хил.

Латвия Республикасида судьялар мантияни кийган ҳолатда қасамёд қиладилар.

Латвия республикаси Адлия вазирлигининг низомига кўра судьялар қўйидаги ҳолатларда мантия кийган ва кўкрак нишони тақкан бўлишлари керак:

1) Жиноий иш кўрилаётган суд мажлисларида;

2) Жиноий, фуқаролик ва хўжалик масалалари кўрилаётган пайтда;

3) Жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилаётган қуйи суд мажлисларида;

4) Кассацион суд мажлисларида;

5) Суд ҳукми ўқилаётган пайтда;

6) Тантанали маросимларда;

7) Олий суд судьялари иштирокидаги суд мажлисларида.

Мазкур кўкрак нишони судья то суд залига киргунга қадар тақилган бўлиши керак.

Агар судья ўз ишидан четлатилса ёхуд бошқа бир ишга ўтса махсус кийимдан фойдаланиши ва кўкрак нишонини тақиб юриши қатъиян ман этилади. Бироқ судья ўз лавозимида ишлаб туриб нафақага чиққан ёхуд ўз хизмат муддатини шарафли ўтаган бўлса, у ҳолда мартаба нишони – занжирни ўзида олиб қолиши мумкин.

Конституцион суд судьялари ҳам суд мажлиси пайтида мантия кийган, кўкрак нишонини тақкан ва бош кийимини кийган бўлиши керак. Конституцион суд судьялари ҳам фақат юқорида кўрсатилган ҳолатдагина кўкрак нишонини ўзларида олиб қолишлари мумкин.

Биз юқорида Латвияда жорий этилган судьяларнинг махсус кийимлари ҳақида фикр юритдик. Шуни айтиш керакки, Шўро замонида нафақат Латвияда, балки собиқ тузум таркибидаги бошқа республикаларда ҳам судьяларнинг махсус кийимига «эскилик сарқити» деб қаралиб, тақиқланган эди.

Мустабид тузум барҳам топгач, судьяларнинг махсус кийими яна амалда жорий этила бошлади. Масалан, Россияда (1993 йил 22 март), Украинада (1993 йил 15 ноябр) судьялар ва адлия ходимлари махсус кийимда фаолият кўрсатиши қонун билан кафолатланди.

Бугунги кунда бу ҳолни Ҳамдўстлик мамлакатларининг деярли барчасида кўриш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам «Суд тўғрисида»ги янги таҳриридаги Қонуннинг 84-бандида бу ҳақда алоҳида қайд этилган.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда судьялар махсус кийими амалга жорий этилса, албатта, фойдадан холи бўлмайди. Нимага деганда, бу махсус кийимлар нафақат суд ходимларининг мартабасини оширади, балки энг аввало қонун устиворлигини ҳам таъминлайди. Уни кийган ходим ўз касбига содиқ бўлиши ва ўзининг қонун, эл-юрт олдида бурчли эканлигини ҳар лаҳзада ҳис этиб туриши керак.

Ғарб мутахассисларининг кўп йиллик кузатишларига қарағанда, суд жараёнларида судьяларнинг махсус кийимда бўлиши уни кийган масъул ходимларда ҳам ва ҳар бир фуқарода ҳам масъулият ҳиссини ошириб, қонунларга ҳурмат билан ёндошиш ва унга амал қилиш, суд жараёнларига ҳурмат билан муносабатда бўлишларига яқиндан ёрдам берган. Бундай расмий кийимлар судьялар ўртасидаги ёш ва жинс тафовутлари, уларнинг дахлсизлигини таъминлаш ҳамда турли хил таниш-билишчиликнинг олдини олиш каби масалаларнинг ечимида ҳам ўзининг ижобий натижаларини берган.

Мурод ХАКИМОВ,
Адлия вазирлиги халқаро ҳуқуқий бошқарма бошлиғи, юридик фанлари номзоди,

2001 йил - «Оналар ва болалар йили»

ОНАНИ ЭЪЗОЗЛАШ — КЕЛАЖАК МЕЗОНИ

Иккинчи мақола

Жуманазар БЕКНАЗАРОВ,
тиббиёт фанлари доктори

Боланинг туғилиши яқинлашган сари она организмида жуда ҳам катта ҳимоя воситалари тўплана бошлайди. Тўлғоқ пайтидан бошлабоқ, мана шу ҳимоя воситалари ўз таъсирини кўрсатади. Худди мана шу жараён чақалоқнинг ташқи муҳит таъсирига мослашувини осонлаштиради. Бола туғилган дастлабки кунлар ва ҳафталарда онанинг кўкрак сути ва унинг ҳимоя кучлари болага берилаверади. Бу пайтда она ва бола ўртасида ўзига хос биологик-руҳий алоқа вужудга келади. Атоқли олим М.С.Мечабелининг умумий касалланишга оид олиб борган ишларидан маълум бўлдики, боланинг бирон-бир касалликка дучор бўлишида унинг тўқима ва ҳужайраларида электронларнинг ҳаддан ташқари камайиб кетиши сабаб бўларкан. Электронлар эса ўзида манфий зарядларни ташийди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳомиладорлик даврини қувончларга тўла шодлик билан ўтказган ва боланинг туғилишини орзиқиб кутган она ҳужайра ва тўқималарида электронлар манфий зарядлари кўп бўлиб, унинг биомайдони ҳам асосан шу зарядлардан ташкил топар экан. Худди шундай вазиятда туғилган чақалоқ организмида манфий зарядлар ортиқча бўлиб, бу уларнинг касалликка чалинмаслигига кафолат беради. Бу эса боланинг жисмоний жиҳатдан ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Бола туғилгандан кейин унинг она бағрида бўлиши — бу ўзига хос биологик бешик. Худди мана шу бешик боланинг келажакда ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан бекаму кўст ривожланишига туртки эканлиги табиатда аллақачонлар ўз исботини топган. Ҳаёт ташвишларини ўз бошидан кечиришдек улкан юмушни ўз зиммасига олган инсон туғилганидан 20-30 минут ўтгандан кейин она сутини эмса, унинг ичакларида катта қалқон — фойдали микроблар армияси пайдо бўлади. Бу эса чақалоқни бўлғуси балоқазолардан асрайди.

Ҳа, ҳар бир айтилган гапнинг исботи бўлиши шарт. Ўтган асрнинг 30-йиллари... Касаллик тарқатувчи микробларга қарши антибиотиклар ҳали кашф қилинмаган. Олмония клиникаларимизнинг бирида чақалоқларни микроблардан сақлаш учун "ажойиб" тадбир қўллашади: чақалоқ туғилган заҳоти у онасидан ажратилиб, махсус камера — кювезларда сақланади. Она бағридан - биологик бешикдан ажратилган чақалоқларга она сути ҳам, турли малҳамлар ҳам кювез ичида берилади. Бироқ улар орасидаги ўлим кўрсаткичи 32 га тенг бўлади. Тасодифни қарангки, худди шу клиникага яқин жойда аёллар турмаси ҳам бор эди. У ерда туғилган чақалоқларга ғамхўрликнинг қандай бўлиши маълум. Шуниси ажабланарлики, турмада туғилган чақалоқлар орасидаги ўлим барча шароитлари муҳайё бўлган клиникага қараганда икки баравар кам эканлиги барчани ҳайратга солди.

Ҳа, биринчи ҳолда она ўзи туққан боласини қўлига олиб, эркалашдан, ўз биотокларидан уни баҳраманд қилишдан маҳрум. Турмадаги чақалоқлар она бағрининг жонбахш иссиқ нурини хоҳлаганича ўз танасига сингдирганлар.

Шу ўринда донишманд боболаримизнинг, меҳри дарё момоларимизнинг яна бир доно гапларига мурожаат қилмасликка илож йўқ. Улар аёлларни ожиза ва заифа деб аташган. Биз эса бунинг сабабини чуқурроқ ўйлаб кўриш ўрнига, бу сўзлар хотинқизларни таҳқирлашдир, деб бир неча ўн йиллар давомида ўқтириб келдик. Лекин одил илмий фикрлашнинг ўткир нурлари бизнинг билимсизлик, жаҳолат, ғафлат оқибатида ўтмаслашиб, ухлаб қолган онгимизга рўбарў келди. Аммо ҳали ҳам биз нисбатан мудрокдамиз. Бўлмаса аёлларимизни табиий-биологик хусусиятларига қараб авайлаш, эҳтиёт қилиш чораларини аллақачон кўрган бўлардик.

Ҳа, хотин-қизлар теварак атроф-муҳитнинг кескин ўзгаришига, ундаги мувозанатнинг бузилишига, заҳри қотиллар таъсирига, жисмоний ишларга, оғир меҳнатга табиатан заиф ва ожиз эканлиги табобатда ўз тасдиғини топган. Бироқ инқилоб ва ҳуррият хотин-қизлар билан эркаклар ҳуқуқини бирдек қонунлаштирди, деб уларни оғир меҳнатга жалб қилдик, тракторларга миндириб, заҳарланган далаларда ишлатдик, эндигина бутифос сепилган далалардан пахта тердик. "Зангори кема капитанлари", дея ашулалар айтдик. Бобоқатлар ва маҳсулотлар энг биринчи навбатда оналарга насиб этиши зарур. Худди мана шу тадбирлар ҳақиқий ва қонуний равишда амалга оширилса, туғишни режалаштириш деб аталган таҳқирона, суньий ўйлаб чиқарилган масхарабозлик ҳам ўз-ўзидан барҳам топган бўларди. Чунки табиат мўъжазаси туғилишнинг қандай ва қай муддатларда бўлиши ва кечиши биологик қонунда ҳал этилган.

Она сути кўкракда она табиат ато қилган меъёрда пайдо бўлар ва тўпланар экан, тухумдон уруғни ўзига қабул қилиш сифатига эга бўлган тухумларни етиштирмайди. Она боласини кўкрагидан ажратгач, сут пайдо бўлиши ҳам тўхтайди. Демак, агар бола 3 ёшгача она сутини эмса, она ҳомиладор бўлмайди. Агар она сути кам ажралса ёки бутунлай ажралмаса бу қонуннинг бузилиши турган гап.

Ҳозирги пайтда она бўлиш бахтига муяссар бўлганлар кўпинча сути бўлмаганлигидан болани сунъий овқатлантиришга ўтказишаётганликлари барчага маълум. Бу асосан она тановвул қилаётган овқат таркибида керакли моддаларнинг камлиги ва унинг бўлмаганлиги сабабли пайдо бўлган камқонлик ва оқсил тақчиллигидан келиб чиқади. Пировардида, сут эмизикли бола устига она яна ҳомиладор бўлади. Бундан қутулишнинг бир йўли бўлажак онанинг овқат сифати, таркиби, миқдори, калорияси ва хилма-хиллигига жамиятнинг, аҳли жамоатнинг диққат-эътиборини қаратиш. Ўзга йўлнинг бўлиши мумкин эмас.

Сунъий овқатлантирилиб, она сутидан бебаҳра бўлган болаларнинг тақдири қандай бўлиши қуйидаги фактдан жуда аниқ маълум бўлади. Тошкентдаги ҳомила ва ҳомиладорлик ҳолатини ўрганувчи перинатал марказ 2000 йил бошларида кўкрак сути билан озиқлантиришнинг мавжуд аҳволини Тошкент шаҳрида ўрганиб чиқди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 6 ой истисносиз она сути билан озиқланган гўдакларнинг 17 фоизи касалга учраган ва иммун ҳолати яхши бўлгани учун уларнинг 1 фоизигина даволанган. Она сути билан биргаликда қўшимча суюқлик ичган болаларнинг 67 фоизи касалланган бўлиб, 65 фоизи даволанишга эҳтиёж сезган. Бутунлай сунъий озиқлантирилган гўдакларнинг эса 100 фоизи касалланиб, 96 фоизи даволанишга мажбур бўлган.

Инсоннинг йиллар давомида ҳар томонлама ақлли, жисмоний ва маънавий ҳамда интеллектуал гўзал бўлиши авлоддан-авлодга шаклланиб, сайқалланиб, такомиллашиб бориши барчанинг хоҳиши, истаги ва орзуси. Албатта, шунга ҳаракат қилинади. Бу хоҳиш-истак ва орзуни бир ёки икки йил ичида ҳал қилишга ирсият қонунлари йўл бермайди. Шундай экан, келгуси авлод тўғрисида қайғуришни энг аввало оналардан бошлаш шарт ва зарур. Она ҳар томонлама авайланиши ҳамда эъзозланиши лозим.

Боболаримиз, момоларимизнинг "Бола бошидан" деган сўзларини аксиома сифатида қабул қилиб, туғилажак болани ҳомилалик давридаёқ, жинсий, жисмоний, руҳий ва интеллектуал томондан тўғирлаб, сўнгра туғилгандан 2-3 ёшгача она сутига тўйдирилган тақдирдагина келажак ёркинлиги таъминланган бўлади, дея тўлиқ асос билан айтиш мумкин.

Юқорида айтилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, уруғ ҳамда тухумнинг интиқли ва умидли учрашувидан кейин вужудга келган ҳомиланинг улғайиб ҳамда унинг туғилгунича ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб шаклланишида, шунингдек, туғилгандан кейин комил инсон сифатида ўзини кўрсатувида онанинг ҳомиладорлик пайтидаги маънавий, маърифий, жисмоний ва руҳий ҳолатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар бу ҳолатлар ижобий бўлса, жисмонан соғлом ҳамда интеллектуал жиҳатдан имкониятлари катта чақалоқ туғилиб, шундан сўнг унга мақсадли йўналтирилган тўғри тарбия берилса, Ватанга, юртга, миллатга содиқ, илмли баркамол, амалиёт жабҳасида юлдуздек порловчи тафаккури юксак инсон бўлиб етишуви турган гап. Бироқ ҳомиладорлик даврининг, айниқса, унинг 3 ойлик муддатигача онанинг юришturишида ҳеч тиним бўлмаса, аёл руҳий жиҳатдан оз ёки кўп изтироблар азобини тортса, ейиш-ичишда бетайинлик ҳукмронлик қилса, ҳомиланинг жинсий ва жисмоний шаклланишида норасолик рўй бериб, чақалоқ албатта, бирон-бир нуқсон билан туғилади. Онанинг ҳомиладорлик пайтидаги азоблари камдек, нуқсон ва мажруҳликлар билан туғилган фарзандини кўрганда пайдо бўладиган ғам-аламни, синган кўнгилни ҳеч қандай йўл билан йўқотиб бўлмайди. Буни фақат онанинг типирчилаётган юраги, изтиробдан карахтга айланган руҳиятигина кўтара олади. Бироқ буларнинг барчаси ном-нишонсиз йўқолмайди, балки чандиқ бўлиб, азобга айланади. Мана шу азобнинг бутунлай бўлмаслиги ҳомиладор аёлнинг турмуш ўртоғи, қайнона ва қайнотасига, уларнинг фарзанд, невара тўғрисида ҳали у туғилмасдан туриб қай даражада қайғуришларига, меҳрибонликларига, хуллас, тафаккур ва интеллектуал даражаларининг қай юксакликда эканлигига боғлиқ.

Доно халқимиз ҳаётга нисбатан ҳар доим арқонни узун ташлаган, узоқ-узоқ уфқларни кўзлаб, бағрикенглик билан умргузаронлик қилган. Ҳар бир оила борки, ўзига яраша ташвиши бор, чунки у катта ёки кичик рўзғор, яъни кунлик ғор. Ғорни эса тўлдириш қийин. Демак, ҳар қандай рўзғорнинг ўзига яраша етишмовчиликлари бўлиши турган гап. Мана шу ташвишларга, етишмовчиликларга донишмандлик билан ёндошиб, уларни биргаликда бартараф этиб, оиланинг каму кўстини бағрикенгликка сиғдириш, сингдириш онада изтиробларнинг пайдо бўлишига имкон бермайди. Изтироб йўқ жойда оила, демак, она, аёл эъзозланган бўлади. Оила, аёл эъзозланган жойда эса бахт уфуриб туради. Бу эса жамиятнинг равнақини таъминлайди.

XXI аср: Ўзбекистон ёшлари

УЧ ДУГОНА ТАРОНАСИ

«Сетора» - ёш хонандалар Лайло Галиева, Феруза Мирзайдинова, Комила Хўжаевалар иштирокидаги эстрада гуруҳи. Улар қатор хорижий мамлакатларда ўз санъатларини намойиш этган. «Ниҳол» мукофотининг соҳиби бўлишган.

Гуруҳ аъзолари – Лайло Галиева 1978 йилнинг 28 июлида, Феруза Мирзайдинова 1978 йилнинг 14 октябрида, Комила Хўжаева эса 1978 йилнинг 4 декабрида Тошкент шаҳрида туғилган.

Феруза Мирзайдинова билан Комила Хўжаева ҳозир Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида таҳсил олишмоқда.

Улар ижросидаги инсон қадри, меҳр-оқибат, эл- юртга фидоийлик улуғланган қўшиқлар аллақачон мухлислар қалбидан жой олган. «Сетора» гуруҳининг «Қора», «Сен борсан» қўшиқлар албоми машҳурдир.

Гуруҳ 2000 йили «Замин» мукофоти соҳиби бўлган, «Тарона-2000» кўрик-танловида «Энг яхши гуруҳ» ва «Сен борсан» қўшиғи билан «Йилнинг энг яхши қўшиғи» йўналиши бўйича ғолиб чиққан.

«Тарона-2001» кўрик танловида эса «Энг яхши альбом учун» йўналиши бўйича ғолиб деб топилди.

«Сетора» гуруҳи Англия, Ҳиндистон, Россия, Непал, Туркия, Тожикистон ва бошқа хорижий давлатларда ўз қўшиқларини санъат ихлосмандлари ҳукмига ҳавола қилган, россиялик машҳур санъаткор Алла Пугачеванинг концерт дастурида (2000 йил) иштирок этишган.

Бизга ёзадилар

АЁЛНИНГ СЎЗИ НЕГА ЕРДА ҚОЛДИ?

Она ва бола қадри ҳеч бир даврда бугунгидек юксак бўлмаган. Лекин айрим жойларда маҳаллий раҳбарларнинг бепарволиги туфайли эътибордан четда қолаётган оналар ва болалар борлиги кишини ташвишлантиради.

Тахириятимизга Сурхондарё вилояти, Денов тумани, "Ғалаба" ширкат хўжалигининг 7-бригадасида яшовчи Муяссар Шойматова йўллаган мактубни ўқиб, тўғриси, ҳайрон қолдик. Афтидан, Денов туман ҳокими, маҳалла раислари ва бошқа маҳаллий раҳбарлар қайси замонда яшаётганликларини унутишган кўринади, шекилли. Муяссарнинг мактубини ўқисангиз, назаримда, сиз ҳам шу фикрга борасиз.

"Ҳурматли таҳририят!

1997 йили турмуш ўртоғим ўзи билан бирга тижорат қиладиган бошқа аёлга уйланиб кетди. Икки фарзандим билан қолдим. 2000 йилнинг август ойига қадар қайнотамникида таъна-дашномларга чидаб яшадим. Охири қайнотам бизни уйидан ҳайдаб юборди. Ҳозир ота-онамникида яшаяпмиз. Бир ҳовлида бешта оила, 18 киши яшаймиз. Соғлигим ёмонлиги сабабли ҳеч қаерда ишламайман. Фақат қариб қолган ота-онамнинг нафақаси билан кун кечирамиз. Турмуш ўртоғим Тошкентда уйли-жойли, фақат ўз роҳатини ўйлаб яшаяпти. Фарзандларининг ҳолидан хабар олишни хаёлига ҳам келтирмайди.

1998 йил турмуш ўртоғим Абдулла Шойматов номига ширкат хўжалиги томонидан 0,12 сотих томорқа ер берилганди. Бу ерда менинг ва фарзандларимнинг қонуний ҳаққи бўлса-да, эримнинг қариндошлари туфайли биз бундан маҳрум этилганмиз. Ҳозирги кунда бу ердан турмуш ўртоғимнинг ота-онаси экин экиб, фойдаланиб келяпти. Мен қонуний ҳаққимизни талаб қилиб, туман ҳокимига мурожаат қилдим. У киши бу масалада судга мурожаат қилишим зарурлигини айтганларидан сўнг, мен судга ариза билан бордим. Лекин туман судидагилар маҳалла қўмитасига боринг, дейишди. Маҳалладагилар эса, судга боринг, дейишди. Шундай қилиб, отанга бор, онангга бор қабилада сарсон бўлганимча қолавердим..."

Хўш, аёлнинг сўзлари нега ерда қолди? Мутасадди жаноблардан бу саволга амалий жавоб кутамиз.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Ресторандан чиқиб, зўрға оёқда турган "янги рус":

- Кимда-ким мени уйимга олиб бориб қўйса, юз доллар бераман! - деб қичқирди. Шунда шофёрлар уни ўраб олишди.

- Ўтир, мен олиб бориб қўяман. Уйинг қаерда?

- Қаерда эканини билсам, юз доллар берармидим?

***

Ўқитувчи: - Қайси қушнинг одамларга нафи тегади?

Вовочка:

- Қовурилганининг, Мария Ивановна.

***

Хотин:

- Сен одам эмассан, сен футболни кўз очиб кўрган хотинингдан ҳам яхши кўрасан!..

Эр:

- Хоккейни ҳам...

***

- Жонидан тўйган эр ўн бешинчи қаватдан ўзини ташлаш учун деразани ланг очиб, равоққа чиқди. Уни кузатиб турган хотини қичқирди:

- Ҳой, такасалтанг, ҳеч бўлмаса челакдаги ахлатни олиб кет!

***

- Кеча олувдим шу олмосни, қани энди соқолни қирса?!

- Қизиқ, боя линолеумни яхши кесган эди-ку!

***

Ўқувчи:

- Кутузовнинг бир кўзи кўр бўлган дейишади. Шу тўғрими?

Ўқитувчи:

- Йўқ, нотўғри. Унинг кўзи битта бўлган.

***

- "Почта" бекати кимга керак эди?

- Менга.

- Эслаб қолинг, ҳозир ўтиб кетган бекатимиз шу бўлади.

***

- Хўжайин, яна сизни мактабга чақиришяпти.

- Нега?

- Ўғлингиз яна бир ойнани синдирибди.

- Буни қара-я! Нима, уларнинг ойнаси шунча кўп эканми, а?

***

- Ҳа, қўшни, мунча безовтасиз?

- Итим қочиб кетди.

- Хотинингиз ташлаб кетгач ҳам бунча куйинмаган эдингиз? Бир ита шунчами?

- Хотиним халқаро танловларда тўртта медал олмаган эди-да.

***

- Нимага ўғлингиз одамга тош отади?

- Қаерингизга тегди?

- Агар чап бермасам, нақ кўзимни чиқарар эди.

- Тош тегмади денг? Унда сизни нишонга олган менинг ўғлим эмас.

Хуқуқий билимлар оммага!

Тошкент Давлат юридик институти ўзбек тили ва адабиёти кафедраси қошида Ўзбекистон Республикасининг "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунини турмушга кенг ва чуқур тадбиқ қилиш мақсадида "Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси ва имлосини ўрганиш ўқув курси" ташкил этилди.

Ўқув курсининг асосий вазифаси ҳуқуқшунослик соҳаси ходимларининг ҳуқуқий маданияти, маънавий-маърифий ва лисоний саводхонлигини оширишга хизмат қилишдан иборат.

Ўқув курсида давлат тили сўзбойликлари ва афзалликларига, юридик тил ва терминология муаммоларига, ҳуқуқий атамаларнинг қўлланиш хусусиятлари ва имлосига алоҳида эътибор берилади.

Ўқув курсини битирганларга махсус сертификат (гувоҳнома) берилади.

ТДЮИ раҳбарияти

Жиноят ва жазо

«ОТАМНИ ЎЛДИРИБ ҚЎЙДИМ»

Қўшработ тумани ички ишлар бўлимига ариза кўтарганича, хокисоргина бир аёл рухсат сўраб кирди. У барча қишлоқ аёллари сингари одмигина кийинган, ёнида чамаси етти-саккиз ёшли, қўнғироқ сочли қизчаси ҳам бор.

Бўлим бошлиғи Ботир Турсунов аёл қўлида ғижимланиб кетган аризани ўқиб кўргач, унга синчковлик билан разм солди. Аёл ранги ўчиб кетган рўмолининг остида тўзғиб кетган сочларини тузатган бўлиб, ёш тўла кўзларини олиб қочди.

- Демак, - деди узоқ сукунатдан сўнг Ботир ака, - эрингиз пул топиш учун уйдан икки ой олдин чиқиб кетиб, қайтиб келмаган. Шундайми?

Аёл ийманибгина бошини силкитиб қўйди.

- Эҳтимол, эрингиз узоқроқда яшайдиган биронта қариндошингизникидадир?! - яна савол билан мурожаат этди милиция майори.

- Йўқ, ҳеч қайсинисиникида йўқ, - деди аёл қатъий қилиб. - У киши менимча, қандайдир диний оқимга қўшилиб қолган бўлсалар керак. Чунки кейинги пайтда шундай хаёлларга берилганини сезгандек бўлгандим.

Бўлим бошлиғи аёл билан узоқ гаплашди, барча зарур маълумотларни ёзиб олди, аммо унинг қиёфасини чулғаб олган безовталик, бесарамжонлик кўнглида шубҳа уйғотса-да, унга кетиш учун рухсат берди.

Бўлимда бедарак йўқолган Г.Жалоловга нисбатан қидирув иши очилди. Уни топиш барча чора-тадбирлар ишга солинганига қарамасдан, ҳеч қандай натижа чиқмади. Вақт эса ўтиб борар эди.

Лекин излаган имкон топади деганларидек, роппа-роса бир йил ўтгач, тезкор гуруҳ ходимлари бедарак йўқолган Ғофур Жалолов тўғрисида етарлича маълумотларни тўплашга муваффақ бўлишди.

Ғофурни баджаҳл, қўпол одам эканлигини бутун қишлоқ биларди. Ойниса эрининг бу феълини яхши билса-да, гап қайтаришдан ўзини тийиб тура олмасди. Бунинг натижаси эса албатта, уруш-жанжал, кўнгилхиралик билан тугар эди. Ғофур жаҳли қўзиганида хотини ва унга қўшиб болаларини ҳам беаёв дўппослашдан тоймасди. Бунга кўни-қўшнилар, оға-инилар ҳам кўникишиб кетган, биров Ғофур хотинини дўпослабди деса, ҳеч ким ҳайрон бўлмасди. Ахир, уларнинг оила қурганларига йигирма йил тўлган бўлса, шу давр жанжалсиз ўтган бир кунни топиш қийин.

Ўша кун ҳам Ғофур бозордан ҳориб-чарчаб келди. Сотган нарсаларининг пулларини сарҳисоб қилиб, белидаги белбоғига тугиб қўйди. Хотинига бўзрайганича овқат олиб келишини буюрди.

- Отаси, - деди Ойниса ялингандек оҳангда, - Болаларнинг мактаби якин қолди. У-бу нарса олиш керак. Яна ўғилларимизнинг ҳам бўйи етиб қолди. Эртага бошини икки қиламан, десак, сеп керак. Шунга озроқ пул...

Ойнисанинг гапи оғзида қолди. Ғофур унинг гапини охиригача эшитишга тоқати етмай, болахонадор қилиб сўкинди. Бу ҳам етмаганидек, ўрнидан отилиб туриб, кўзига «алвастидай» кўринган хотинининг бошига зарб билан бир мушт туширди. Отасига кўзи тушса, қўрқувдан қалтирайдиган қизчалар эса жанжал бошланганлигини кўриб, уйга бекиниб олишди. Ўғли Алишер эса қулоқларини ёпганича. осмонга қараб илтижо қиларди. Чунки отаси ҳозир онасини уриб бўлгач, уни ҳам тинч қўймаслиги аниқ эди.

Бир оз вақт ўтгач, Ғофур сўкина-сўкина уйқуга кетди. Ойниса оғриқ ва алам азобидан сира ўзига кела олмади. Ичида эрини қарғаганича яна рўзғор ишларига уннади. Аммо аёлнинг алами ошган, хаёлини мудҳиш ўй банд этиб олган эди. У эридан қандай қилиб ўч олиш ҳақида ўйларди. Ойниса узоқ ўйлаб ўтирмади, ўғли Алишерга юзланди:

- Ўғлим, ошхонадан болтани олиб чиқ! - деди.

Онанинг овозидаги қаҳр-ғазаб, алам ва ўкинч ўғлини ҳам кўру карахт қилиб ташлаган, у беихтиёр ошхонага кириб, дами ялтираб турган болтани қандай қўлига олганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу қотиллик бир неча лаҳза ичида рўй берди. Алишер қўлида қонга бўялган болта билан онаси ва сингиллари ўтирган хонага қайтиб келди. Ҳали ўн ёшга ҳам тўлмаган ўспиринниng ранги докадек оқариб кетган, қўли дағ-дағ қалтирарди. Унинг ҳуши ўзида эмас, ранг-рўйи терс оқариб кетган, мурдадан фарқ қилмас эди. У қўлидаги болта ерга тушиб кетгач: «Мен отамни ўлдирдим», дея олди, холос. Сўнг у онасининг бағрига ўзини ташлаб, ҳўнграб юборди. Аммо энди кеч, жуда кеч бўлган, ҳеч нарсани ўрнига қўйиб бўлмасди.

- Энди, акамга нима деймиз, - деди Алишер бурнини тортиб.

- Қўрқма, болам, аканга ҳаммасини ўзим тушунтираман, - деди Ойниса.

Асқар тоғда чўпонлик қиларди, уйга ойда бир келиб-кетарди. Бу сафар келганида уйда отасининг қораси кўринмагач, сўради:

- Отам қаерда?

Дастурхон атрофида ўтирган онаси ва укаси бирдан кўзларини олиб қочишди. Аммо кичкинагина Гуласал гўдаклигига бориб, ўзини тутиб туролмади: - Акам отамни ўлдийди!

- Отамни қаерга кўмдиларингиз?

- Эски чуқурга кўмиб, устидан тупроқ ташладик, - деди Ойниса. - Бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нима деб юрманглар. Ким сўраса, отамиз пул топиш учун узоққа кетган денглар.

Аммо қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийғи чиқади. Кўшработ туманининг тоғли қишлоқларидан бирида содир бўлган бу мудҳиш воқеа бутун туманни қаттиқ ларзага солди.

(Мақолада келтирилган исм-фамилиялар ўзгартирилган).

**Меҳри АБДУРАҲИМОВА,
Самарқанд вилояти ИИБ
Матбуот гуруҳи нозири**

Ушбу сондаги суратлар муаллифи «Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири Нурмамат АЛМУРОДОВ

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Рўзибой САИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи:
Т. ҲАСАНБОЕВ
Компьютерда орт..ғ нал макет тайёрловчи:
Л. КУЛИШОВА
Компьютер оператори:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.